




Мавлон Икром

**СОҒИНАМАН
СЕНИ, СИРДАРЁ**

ШЕЪР ВА ДОСТОНЛАР

Тошкент

*Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
1981*



Икром, Мавлон.

Соғинаман сени, Сирдарё: Шеър ва дostonлар.—
Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981.—160 б.

Мавлон Икром олтиш ёшга кирди. Сарҳисоб сифатида тайёрланган бу китобга шоирнинг турли йилларда яратилган энг сара шеър ва дostonлари киритилди. Уларда Ватан, табиат гўзаллиги, ёшлик ва муҳаббат, мардлик ва жасорат тараннум этилади.

Икром (Икрамов), Мавлян. Скучаю по тебе, Сырдарья. Стихи и поэмы.

Уз2

И $\frac{70403-64}{M352(04)-81}$ 52—81 4702057020

ЮРАҚ ТҰЛҚИНЛАРИ

НИҲОЛ

Беш йил олдин ўтқазгандим ўрик ниҳоли,
Яйраб ўсиб, ҳар томонга шохларин керди,
Аввалгидан яшнаб кетди ҳовлим жамоли,
Ёш кўчатим қуюқ соя ҳам мева берди.
Умид билан бир неча туп ўтқаздим яна,
Чунки, тотдим илк меҳнатим самарасини:
Ўзинг экиб етиштирган ҳар қандай мева
Берар экан тил ёрувчи бол мазасини.

1946

ЖОНАЖОН ПАРТИЯГА

Шонли Компартиям, меҳр, саховатинг
Мовий осмон янглиғ беқиёс, кенғдир.
Инсонга ҳаётбахш қалб ҳароратинг
Тонгда шуъла сочган офтобга тенгдир.

Азиз Компартиям, улуғ партия,
Қайноқ меҳринг билан улғайдим, ўсдим.
Онгимни ёритдинг, бердинг тарбия,
Қилич — қасам бўлди,
жасурлик —
дўстим!

Душманни янчишни ўргатиб ўзинг,
Зафар байроғини ушлатдинг қўлга.
Узоқни олдиндан кўрди-ю, кўзинг,
Бизни етакладинг ёп-ёруғ йўлга.

Жазирама ёзда, қаҳратон қишда
Қанча синовларни кечирдик бошдан.
Чиниқдик меҳнатда, қонли курашда,
Қалбимиз ёришди сендан — қуёшдан.

Улуғ Ленин йўли сенинг йўлингдир,
Ўзбек пахтасидай беғубор, оппоқ.
Улуғ Ленин қўли сенинг қўлингдир,
Тонгни, истиқболни кўрсатар ҳар чоқ!

1947

МЕҲР

Она меҳри гўё кенг бўстон,
Бола эса ундаги бир гул.
Ота бўлиб парвона, боғбон,
Ўз боғига беради кўнгил.

Эркалашар суюб ўғилни,
Қувноғим деб, овунчоғим деб.
Ўпишади юзи, қўлини
Болдан ширин қўзичоғим деб.

Бола эса қувноқ ва тетик
Иккисига боқар галма-гал.
Ҳали тили чиқмаган — сучук,
Алланнма дейди ҳар маҳал...

Бола ўсар, улғаяр албат,
Ватанига мард ўғил бўлар.
Ота-она севгиси абад
Гавҳар каби қалбида қолар.

1917

Чаманда анқиған атир бўйидай
Улкамда кезади баҳор нафаси.
Умр роҳатини сурган элимнинг
Меҳнатда ортади кўнгил нашъаси.
Тўлин ой ҳусни бор ҳар ёруғ юзда
Тонготар бошланган меҳнат шавқидан.
Ўртанинг висоли акс этар бугун —
Кўнгил кўзгусида, шодлик завқидан.
Гўзал Фарғонадан эсган шабада
Мирзачўл кўксига уфурар ҳаёт.
Бу ернинг боғбони комсомоллардир,
Кураш оловида тўбланган авлод.
Сув дея ташвишда ўтди боболар,
Нав-ниҳол — кўчатлар сўлди ёзмай барг.
Денгиз тўлқинида чўккан кемадай
Орзу кемалари бўлиб кетди ғарқ.
Фақат бизнинг қудрат — совет қудрати
Даштни енгиб, олди тизгинин қўлга.
Қонтомирлар янглиғ каналлар қаздик,
Ильич чироғлари нур ёйди чўлга.
Ёқимли туюлар кенг қучоғида
Юзлаб тракторнинг янгроқ садоси.
Чексиз пахтазорлар, боғлар шовиллаб,
Яшнаб ўзғармоқда кўрки, ҳавоси.
Фақат бу чўлдамас, бутун ўлкамда
Гуркураб кезади баҳор нафаси.

Манглайин танғиган ҳар ботир эрнинг
Меҳнат-ла ортади ишқи, ҳаваси.
Ўлкамнинг бир умр кулган кўркидир
Истиқбол ғунчаси — ажиб навбаҳор.
Толеи қуёшдай порлаган эл-чун
Баҳор мангуликдир, баҳор ифтихор!

1947

КЎЛДА

Ҳар фаслнинг ўз хислати бор,
Ҳар фаслнинг ўз фазилати.

Уйғун.

Севимли ёр билан баҳор оқшоми
Мафтун бўлган эдик кўлдаги ойга.
Янги йил оқшоми—шодлик айёми
Яна келдик икков ана шу жойга.

Кўлдамиз...

Кун бўйи бўралайди қор,
Гўё тўзғигандай минг-минг капалак.
Ларзон новдаларда ажиб иффат бор—
Табиат ясанмиш кийиб оқ кўйлак.

У пайтлар ёз эди, бу гал эса қиш;
Бир хилдай туйилар иккала фасл.
Баҳрингни очади қорда сайр қилиш,
Бизнинг ҳур Ватанда тўрт фасл асл!

1949

ХУМОРИМ БОР

Жаҳон боғи аро аъло диёрим бор,
Диёримда гули раъно баҳорим бор.

Магар ишқига эрса бул таним ошён,
Садоқат бирла дилда ифтихорим бор.

Бошимдан кетмагай офтоб сочиб ёғду,
Эътиборли элимда эътиборим бор.

Сарв қомат, жамоли ой сочи сумбул,
Вафодор Лайлидек кўзи хуморим бор.

Агар ҳолимни сўрса ким бахтиёрман,
Шу бахтни янгратиб чалғучи торим бор.

Э, Мавлон, сур даври давронингни, ўйна,
Азиз дўстлар ила ашъор, уфорим бор.

1950

ҚОРАҚАЛПОҚ РАҚҚОСАСИГА

(Концерт таассурути)

Қорақалпоқ қизи, гўзал раққоса,
Бахтингга ярашиқ латофатинг бор.

Саҳнада товланиб кетасан роса,
Товусдай келишган хуш қоматинг бор.

Ҳамма қойил қолиб, лол бўлган чоғи
Ажойиб муқоминг, ишоратинг бор.

Гул-гул очилади кўнгилнинг боғи,
Яшнаган баҳоринг, салобатинг бор.

Иқболинг чамани бир умр яшнар,
Санъатда парвозинг, кўп навбатинг бор.

Сени ўзбек халқи севиб олқишлар,
Қалбида ҳурматинг, ҳароратинг бор.

1950

УҚИТУВЧИ

У ч р а ш у в

Театр залида учратдим уни,
Қартайган, ўрта бўй, эғнида кастюм.
Кўксида порлайди Ленин ордени,
Ажинли юзида илиқ табассум.
Атрофни қуршаган йигит-қиз — ёшлар.
Барча ҳурмат билан беради салом.
Юзлаб меҳр кўзи боқади унга,
Кўнгилларда жўшиб чуқур эҳтиром,
— Қалай қишлоғимиз? — сўради бирдан.
— Жуда яхши, — дедим, обод чароғон.
Беҳад ўзгарибди чиройи, кўрки,
Ҳаёт мавж уради мисли зўр уммон.
Шу онда ноғиҳон янграб қарсақлар,
Сўнг катта зал узра чўкди сукунат.
Саҳна очиларкан деди у менга:
— Бу кеч меҳмон бўлинг, уйга марҳамат...

И ў л д а

Кўркам хиёбонда борамиз масрур,
Олғай таассуротдан севинчлар қат-қат.
Қишлоқ ёшларини мақтаб кетди у:
— Уларда ҳамиша мардлик — жасорат.
Қишлоқни янгидан қурган ҳам шулар,
Ҳар бирини дейсиз азамат бир шер.
Олий мактабларни битириб кўпи,

Бўлишган агроном, врач, инженер.
Қишлоқ яшнаб кетди сўнгги йилларда,
Қаранг жамолига — мисоли шаҳар.
Завод қад кўтарди, кўтарар яна,
Ҳаёт гуркирайди кундуз ва саҳар.

Меҳмондорчилик

— Мана шу ҳовлимиз, қани марҳамат,
Бурноғ йили қуриб берган ҳукумат:
Тўртта уй, ошхона, саҳни кенг ҳовли;
Фақат бизнинг элда бунчалик ҳурмат.
Дастурхон устида қизиди суҳбат,
Очди гўё бирдан фан дарчасини.
Тинглаб қойил қолдим кекса устознинг
Қарийб қирқ йиллик тажрибасини.

Иш кабинетидә

Эшикни ёпаркан, ўқитувчининг
Ишга ташналигин сездим бетида.
Ойнадан нур ёғар кўча юзига,
У кнтоб варақлар кабинетидә.
Хаёл денгиз бўлди, мен эса елкан,
Теран ўйлаб кетдим унинг ҳақида:
Олтмиш ёшга кирган кекса коммунист
Умрин ўтказди юрт хизматида!
Муқаддас билади касб-корини,
Инсоғни ўқитиш — энг шарафли иш.
Зўр мақсад йўлида гуллар истеъдод,
Бу учун қунт керак, чидам ва хоҳиш...
Унинг кўз ўнгида доим намоён
Шу қишлоқ ёшлари — ўқувчилари.
Шулар келажакка ҳақиқий ворис,
Шулар коммунизм қурувчилари.

1950

СЕВИНЧ

Севинч — қалбнинг мулки, манбаи — меҳнат;
Унинг ифодаси барқ урар юзда.
Гўё қуёш ўзи кўринмаганда,
Нури акс этгандай ойда, юлдузда.

Севинчнинг манбаи — меҳнат дедим, бу —
Ҳаёт қоиунидир, ҳақдир албатта.
Шоир севинади, машаққат чекиб,
Лирик бир шеърини тугатган пайтда.

Бир дона чигитдан ҳосил олгунча
Қанча манглай тери оқар — бу аён.
Пахтакор севинар, севинар беҳад,
Тоғ-тоғ хирмонларга тўлганда ҳарён.

Севинч, ким бўлмасин, барчага бирдай:
Шоирми, пахтакор, ишчи, санъаткор.
Меҳнат роҳат эрур бизнинг диёрда,
У билан севинч ҳам доим барқарор!

1954

Россия, Россия, мўътабар диёр,
 Ҳуснда тенги йўқ, кўксинг беғубор.
 Меҳр-ишқинг билан тепади юрак,
 Сенда барг ёзади орзу ва тилак.
 Дўстликнинг тимсоли азалий сенсан,
 Шоирлар илҳоми, газали сенсан.
 Сенинг гул сийнангда яйрайди диллар,
 Сенинг мадҳинг куйлаб, сайрайди тиллар.
 Озодлик қуёши сендан чиққандир,
 Сенда кундуз тунни қувиб йиққандир,
 Мавжли дарёларинг, чашманг, боғларинг,
 Яшил ўрмонларинг, баланд тоғларинг
 Тўрт фасл яшнайди, бахш этиб роҳат,
 Онажон Россия, сенга минг раҳмат!
 Сенда озодликнинг илк тонги отди,
 Мазлум, таҳқирланган элни уйготди.
 Барчага баравар нур сочди қуёш,
 Порлоқ истиқболга йўл очди қуёш,
 Қуёшки, оддий бир камтарин инсон,
 Унинг шуъласидан нурга ғарқ жаҳон.
 Шу қуёш туфайли тунлар ҳам кундуз,
 Шу қуёш туфайли ҳамма ёруғ юз,
 Шу қуёшдан Совет Шарқимиз озод,
 Шу қуёш туфайли юрт бўлди обод.
 Сени она дедим, Ленин диёри,
 Сенга меҳр-ишқим, қалбимда бори.

Лочин қанот ёзиб учаман сенда,
Меҳрим қониб шодлик қучаман сенда.
Онажон Россия, тенгсиз Россия,
Сенга муҳаббатим чексиз, Россия!

1955

1479

ИНСОН ҚҰЛИ ГУЛ

Ажойиб, шифобахш июль кечаси,
Канал мавжланади кашф этиб чирой.
Дилни мафтун қилар қулиб, товланиб
Сувда рухсорини юваётган ой.

Термулиб қолибман шу ойга андак,
Хаёлим чулғабди ўйлар, фикрлар:
Бир вақтлар бир томчи сувга интизор
Қақраб ётар эди бу водий, қирлар.

Энди чайқалади яшил пахтазор,
Кўз илғамас кенглик уфқдай чексиз.
Дарахтлар бўй чўзмиш, қишлоқ
яралмиш...
Карвон йўлларида қолмаган ҳеч из.

Яшил далаларнинг, гўзал боғларнинг
Ҳуснига тўймайсан — яшнаган гул-гул.
Бизлар соҳибимиз бу мўъжизанинг,
Бизлар яратувчи, инсон — қўли гул!

1956

РУС ХАЛҚИГА ОФАРИН

Ленин даҳоси-ла яралган кўркам
Дўстлик бўстонида олиб андоза,
Нурли истиқболга борамиз шаҳдам
Сафимиз мустаҳкам, кўнглимиз тоза.

Қўшни ҳовлисида келса дунёга
Янги бир муборак инсон — чақалоқ,
Бошимиз етгудай бўлиб самога,
Қалбдан қувонамиз ҳаммамиз шу чоқ.

Партия, рус халқи бошлади шонга,
Минг йиллик орзуга, висолга элтиди,
Шодлик кабутари сигмас жаҳонга,
Бахтлар гулшанига — иқболга элтиди.

Чанқоқ саҳроларга бошладик ҳужум,
Ҳаёт карвонининг олдида ёшлар,
Бўз ерда гул битиб, қилсин табассум,
Бог сайрига келинг, қон-қариндошлар.

Миллионлар қалбидан сенга ташаккур.
Жонажон партия, улуғ рус халқи!
Ҳаммамиз баҳтиёр, ҳаммамиз тенгқур,
Халқлар дўстлигимиз яша ва балқи!

1957

ЯНГИ УИДА

Уйи уйимизга қарама-қарши
Қўшним балкониға масрур боқаман.
Ҳавода янграркан Глинка марши,
Хаёл анҳорида бир зум оқаман.

Кечагина эди бу жойлар сайхон,
Уч-тўрт кулба мудраб турарди хазин.
Лофсиз дейишарди одамлар ҳар он:
«Чилонзордан юрма, бор ажина - жин...»

Ҳадиксираб, қўрқиб, болалик чоғим —
Якка ўзим сира юрмасдим бунда.
Гўристон ваҳмидек ҳар ён эди жим,
Катталар ҳам асло ўтмасди тунда.

Қўшним менга боқар, мен эса унга,
Юзида табассум кўраман ҳар чоқ.
Тувак гулларини чиқариб кунга,
Ўйнашиб ўлтирар қизи-ла қувноқ...

Биз таниш эмасмиз, аммо қалбимиз
Бир хил шодлик билан чайқалар, жўшар.
Чунки, иккимиз ҳам янги уйдамыз —
Кўркам уйларимиз кўк-ла ўпишар...

Кечаги сайхонда, чакалакзорда
Сарбаланд бинолар саф тортган, гўзал.
Шундай жойда яшаб, тонгда — наҳорда
Торни қўлга олиб айтайми газал!

1957

ХИРМОНГА БАРАКА

Сахий куз қуёши саховат билан
Осмон гумбазида ярақлар экан,
Чексиз пахтазорлар назокат билан
Оҳиста тебраниб чарақлар экан,
Узоқ туrolмадим канал бўйида
Аста юриб кетдим...

Қўлимда қанор...

Денгизга бир томчи қўшмоқ ўйида
Лўппи чаноқларга чўзилдим минг бор.
Ҳар гал оқ олтинга тўлганда панжам
Меҳнат нашъасини, завқини тотдим.
Қанор қаддин ростлаб, мағрур турган дам
Шодлик чашмасини, шавқини тотдим,
Унгда ҳам, сўлда ҳам оппоқ пахтазор,
Андак боқиб қолсанг кўзлар қамашар.
Пахта ўзбек учун шон ва ифтихор,
Шу ваздан авжида,

Авжида ҳашар!..

Этак-этак пахта терибман шу кун,
Хирмонга барака!
Қадрдон деҳқон,
Ҳосилинг тўйида даврангда мамнуи
Ўлтирган йигитни демагил меҳмон!

Октябрь, 1959

«ПРАВДА»

«Правда» —

бу партия ақли!
Тонг кўксида барқ урган юлдуз!
Ҳамма севар,
севишга ҳақли,
Уқиганнинг тунни ҳам кундуз!
Ҳар хонага кириб келар у,
Нонуштада кун нури билан.
Сочар миллион дилларга ёғду
Улуғ Ленин шуури билан.

«Правда» —

бу жаҳон ойнаси —
Акс этади, яқин ва йироқ:
Океанда довул ҳаммаси,
Қутб узра ёнган илк чироқ...
Африкада портлаган вулқон,
Мазлум халқлар бошлаган ҳужум:
Жасур Куба қучган бахт ва шон,
Чехрасига қўнган табассум.
Акс этади ҳамма-ҳаммаси,
Ойга жило берган байроқ ҳам.
Беш йилликлар — Совет режаси
Ғолиб одим ташлаган чор ҳам.

«Правда» —

эрк,

бахт ва эзгу тилак,
Буюк дўстлик,
тинчлик минбари!
Ҳар бир сўзи ёвга замбарак,
Дўстга офтоб нури сингари!
Москвадан кириб келар у
Нонуштада кун нури билан.
Сочар миллион дилларга ёғду
Улуғ Ленин шуури билан!

1960

ДУГОНАЛАР

Уфқ дарбозасин ланг очиб қуёш
Тоғ оша водийга сочганда шуъла,
Меҳнат гаштин тотган тўда-тўда ёш —
Лабидан учганда қувноқ ашула,
Пахта денгизида кўрдим ногаҳон,
Яшил кема минган дугоналарни.
Кемалар сузаркан, ҳўпларди чунон
Чаноқда жилмайган дурдоналарни.
Иккисига узоқ боқдим маҳлиё,
Фикр-хаёллари терим билан банд.
Лола юзларида барқ уриб зиё,
Рулни буришарди дарғага монанд.
Амуда кўрганим баржалар каби
Бири у ён сузар,

бириси бу ён,
Бирдир истаклари, бирдир матлаби —
Тоғ-тоғ хирмонларни уйиш аҳд-паймон.
Маррага анча бор,

қосил — чаноқда
Суръат дўноннга босишар қамчи!
Долзарб терим чоғи,

қўр-қут мўл чоқда,
Ғайрат ғўнонига босишар қамчи!..
Гоҳ унга,

гоҳ бунга боқдим галма-гал,

Эгизак мисоли,

соч бошда чамбар.

Бир қиё боқар деб бўлдим кўп маҳтал,
О, қайда!

Уфурди ел мушки анбар.

«Оқ олтин» макони гўзал Фарғона,
Узоқ туриб қолдим далангда мен лол:
Хаёлимни олди икки дугона,
Юлдуз чаманида гўё қўш ҳилол!

Фарғона, 1960

ДУСТЛИК ЧИРОҚЛАРИ

Оқшом...

Тоғда ёнди чироқлар,
Чақнагандай юлдуз чамани.
Нурга чўмди яқин-йироқлар, —
Гўё қуёш қучди ҳаммани.

ГЭС яратди — истаги, азми
Азал ўхшаш,

ёндош икки халқ!

Нур таратди —

тўй,

сайл,

базми

Азал ўхшаш;

қондош икки халқ!

Яшнаб кетди нурдан ер-осмон,
Жилва қилди юзларда офтоб!
Тонг отгандай бўлди ногаҳон!
Эл севинчи беҳад, беҳисоб!..

Одимлайди гўё чироқлар
Одимлайди чўққига қараб.
Чироқларки, ҳар ён чарақлар
Ва қаршилар ёруғлик тараб!

Сўх, 1961

БУЛБУЛ

Ойдин тун...

Тинмайин ўқиди ғазал
Атир гул шоҳида шайдойи булбул.
Гунчага ўралиб ноз этган гўзал
Тонготар очилди,

Очилди гул-гул...
Чаманга бахш этди камол беқиёс,
Бир раъно ишқида ўртаб ёниши.
Менга-чи?

Бахш этди рубоб, эҳтирос,
Тунни мафтун этган янгроқ хониши!

Марғилон, 1961

СИРДАРЕ СОҲИЛИДА

Боққан сайин боққим келади
Ўйнаб оққан тўлқинингга, Сир.
Нафасингми, ғир-ғир елади
Ва ороминг этади асир.

Майса гилам соҳилинг бўйлаб
Аста-аста ташлайман қадам.
Сенда ўтган ёшлигим бўйлаб
Қувонаман беҳад дам-бадам.

Қўй боқардим ўша йиллар мен
Бўйларингда, ўтлоқларингда.
Қалбга қўшиқ солар эдинг сен
Кезганимда қирғоқларингда.

Қўмсаб келдим куйларингни боз,
Она дарё,

гўзал Сирдарё!

Сен тутқаздинг менга янгроқ соз,
Бағринг тўла газал, Сирдарё!

Бугун мағрур чертаман уни
Ватандошлар даврасида шод.
Мафтуниман,

ёриман шуни,

Шу соз менга то абад қанот!

Тўлқинларинг дилга этиб жо,
Ўзинг каби чайқалсам, тошсам.
Сендан учган лочиндай гўё
Қоялардан, тоғлардан ошсам!

Шу вазжданми, боққим келади
Ўйнаб оққан тўлқинингга, Сир!
Нафасингми, ғир-ғир еладн
Ва ороминг этади асир!

Чиноз, 1961

Не истасам баридир мавжуд:
Умрдошим — сарвқомат ёр.
Уйим янги, рўзгорим ҳам бут,
Ширин-ширин ўғил, қизим бор.

Қўлда созим, янгратай десам,
Дўстларим бор истасам суҳбат.
Ошим тайёр ҳар қачон есам,
Менга мангу ётдир уқубат.

Эмасман мен ношукур банда,
Ортиқча мулк менга на даркор:
Шод инсонман тенгсиз Ватанда,
Эрк-ҳуқуқим, эътиборим бор.

Нурли тонғлар очар кенг қучоқ,
Ушалади орзум, қилсам аҳд.
Эртаб эса яна ҳам порлоқ,
Шунинг ўзи бахт эмасми, бахт!

1961

МЕҲРИНГ ҚЎШИБ ТЎҚИБСАН...

Комбинатинг бўлса бир гулзор,
Сенсан унинг кўрки, раъноси,
Тенгдошларинг қилар ифтихор
Сенинг билан, қизлар аълоси!

Талпинасан,
 буюк тилагинг,
Боқишларинг тетик Мукамбар,
Шимарилган чечан билагинг,
Сумбул сочинг бошингда чамбар.

Дастгоҳларинг ёнида хуррам
Қапалакдек бўлиб парвона,
Беш йилликлар йўрғасин шахдам,
Қамчилайсан олға мардона!

Тўқиганинг шоҳи-ю атлас,
Атласингда чаман ҳусни бор.
Шоҳинг дилда қўзғайди ҳавас,
Кумуш тонгу осмон туси бор.

Шоҳи, атлас тўқувчи шоввоз,
Бахтиёрман, ўзингни кўрдим.
Санъатингга бўлиб ишқибоз,
Мафтун бўлиб қошингда турдим.

Комбинатинг бўлса бир гулзор,
Раъносисан унга яраша.
Атласингда ҳуснинг акси бор,
Меҳринг қўшиб тўқибсан, яша!

Фарғона, 1961

ОФАРИН, ВАТАНДОШ!

Совет космонавти тонготар чоғи
Юлдуз оламига яшиндай учди.
Апрель гулларида яйраб димоғи,
Совет герби билан фазони қучди!

Инсон заковати,
 идроки,
 ақли
Намойиш этолди куч-қудратини!
Халқим фахрланса,
 севинса ҳақли,
Лочини таратди шон-шуҳратини!

Офарин! Гагарин!
 Ватандош ўртоқ!
Мардлик мўъжизангга қойилдир жаҳон!
Сени олқишлайди очиб кенг қучоқ
Компартия,
 Ватан,
 ҳар софдил инсон!

1961

ЗИЁРАТГА КЕЛДИМ...

Зиёратга келдим...

Яна қошингда

Чуқур эҳтиром-ла, тиз чўкдим, устод.

Ўқидим,

Ўқидим мармар тошингда

Нақшин сатрларни руҳинг этиб шод!

Кўклам либосини кийибди дара,

Гуллар очилибди тегрангда қийгос.

Борлиқ гуриллайди,

Куйлайди!..

Қара!..

Шоир —

бастакорни қутлаб гулдурос!

Мақбаранг чаманга бурканиб, мағрур,

Баландда турибди парвозинг янглиғ!

Пойингда икки сой сочиб инжу — дур,

Айқирар,

ҳайқирар овозинг янглиғ!

Ҳамзаобод, 1961

БАСТАҚОРГА

Етакласа боғига илҳом,
Баъзан ўтар тунларим бедор.
Шунда қусиб ҳордигим мақом
Бахш этади қалбимга мадор.

Яна асир этиб бирпасда,
Илҳом дилда жўш урар такрор.
Тутгим келар сенга гулдаста
Шеърларимдан, ҳамкасб бастакор!

1961

БОҒИ ЖАҲОН

Чинми ё афсона!

Билмадим қачон,
Фусункор боғ экан кафтдай текис дашт.
Ҳуснда тенги йўқ хон қизи Жаҳон
Қирқ қиз билан ҳар кун боғда қилмиш гашт.
Ўтиб неча замон, бу боғу бўстон
Томчига зор бўлиб, бўлибди хазон.
Уни тилдан қўймай аҳли Туркистон
«Боғи Жаҳон» дея аташур ҳамон.

На бир туп дарахт бор, на қолдиқ девор,
На чаман қушларин завқли хониши.
На қурт-қумурсқа бор, на бирон жондор,
Фақат ҳукмрондир шамол нолиши.

Даштда кезарканман мен авжи кўклам,
Канал ўзанини кўриб қувондим.
Афсонавий боғдан юз чандон кўркам
Бўлажак чаманнинг ишқида ёндим.

Халқ аҳди — юрт бахти!

Авжида ҳужум,
Барг ёзар бир умр асрий ўй — тилак!
Янги боғ, янгича қилиб табассум,
Минглаб боғбонига тутқазар чечак!

Туркистон, 1961

ТУРТЛИКЛАР

1

Тўрт фасл даланинг ўзга гашти бор,
Ғир-ғир шаббодаси кўтарар ғубор.
Ўзингни курсига боғласанг ортиқ,
Билиб қўй, оқибат босади моғор.

2

Яхшида ҳамиша яхшидир ният,
Ёмонда бўлмайди ору ҳамият.
Яхшини улуғлаб кафтига қўйса,
Ёмонга лаънатлар ўқир жамият.

3

Эккан кўчатимга боқардим шодон,
«Сенга нима зарур», деди бир нодон.
Шу гапни айтмасди, фаҳмласайди —
Гамхўр эканлигин инсонга инсон!

4

Қўлида елпигич, сотарди кабоб,
Уч сихдан беш сихни чиқариб қаллоб,
Бугун кўрдим уни қора курсида:
Судья савол берар, у эса жавоб.

5

«Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил»,
Меҳнатсиз обрўни бирдамлик тер бил,
Сен содиқ дўстингга вафо қилмасанг,
Садоқат олдида, ўзингни ер бил.

6

Ўргатса ўргану ўргатма дема,
Ўзнм биламан деб сўнг афсус ема.
Ҳаёт денгизида йўл тополмасанг,
Ўзингни ҳисобла слкансиз кема.

7

Инсонга яхшилик муносиб ва шарт,
Емонликни раво кўради номард.
Бировга қасд қилган албат бўлар паст,
Ўмрини кемиргай шу иллат — шу дард.

ТВЕРЬ БУЛЬВАРИ

Кунлар ўтар,
 мазмундор кунлар —
Суҳбатдошим,
 сирдошим китоб.
Тунлар ўтар,
 тинч,
 бедор тунлар,
Шеър боғидан сипқариб гулоб.
Деразамни очаман наҳор,
Очилгандек кўнгил дафтари...
Мени кутар,
 кутар интизор
Улуғ Пушкин, Тверь бульвари.
Ошиқаман,
 ташлайман қадам,
Шу бульвардан мактабим сари.
Москвамсан — менинг Москвам,
Ифтихорим — Тверь бульвари!

Москва, 1961

ЛЕРМОНТОВГА

Мени олиб келди эзгу бир хаёл,
Балки олиб келди шоир лираси,
Келдиму бир лаҳза туриб қолдим лол,
Мармар тош олдида баҳор эртаси.

Авжида қушларнинг живир-живири,
Балки шоирини ёд этади, ёд.
Авжида япроқлар шивир-шивири,
Балки шоирини ёд этади, ёд.

Нигоҳим қамрайди атрофни аста...
Асрий пиллапоя олади ҳушим:
Четида дарахтлар сафи пайваста,
Шоирга замондош! Ўнгимми, тушим?

Наҳот изин босиб юраман, наҳот?
Наҳот лабларимда унинг куйлари?
Наҳот вужудимни тебратган бот-бот
Шоир лирасининг зўр туйғулари?

Соҳилда кезаман,
Кезганим сайин
Мени асир этар борлиқ — табиат,
Кўл узра таъзимкор қатор оқ қайин
Оҳиста тебранар олқаган сифат.

Мангу ошиғингман, шиша кўл, ўрмон,
Қалбимни қитиқлаб най тутган даргоҳ!
Истардим, бир нафас бўлмасдан меҳмон,
Бир умр сайр этсам, узмасам нигоҳ!..

Соҳилда кезаман,
Қушлар шеър ўқиб,
Мудом шоирини ёд этади, ёд.
Дарахтлар шовиллаб, ғўё куй тўқиб,
Мудом шоирини ёд этади, ёд!

Средниково қишлоғи, 1962

ЯНА КЕЛДИМ

(Шоир дўстимга)

Яна келдим айни куз чоғи,
Асир этган сайргоҳга мен.
Яна келдим — Измайлов боғи,
Оромижон сайлгоҳга мен.

Одимлардинг ёнимда у гал,
Бирга эдик, кезардик бирга.
Қўл бўйида ўқишиб ғазал,
Оромини сезардик бирга.

Оққушларга боқардинг узоқ,
Сураб эдинг ўрмон гаштини.
Мароқ билан сўзлардинг ўртоқ,
Тотли умринг саргузаштини...

Ойлар ўтди, ўтди роса йил,
Сен олисда, мен эса бунда.
Сени қўмсаб соғинади дил,
Соғинади дўстини кунда.

Яна келдим ўша боққа мен,
Ҳар ён гўзал, ҳар ён дилрабо!
Яна келдим ўша боққа мен:
Сени излаб келдиммикан ё?!

Кўл бўйида тураман ёлғиз,
Гуллар атри таралар майин.
Сени қўмсар кўлдаги ой-қиз,
Суҳбатимиз севган оқ қайин.

Москва, 1963

Сен — унда,
Мен — бунда,
Орамиз олис,
Аммо шуни билки азизам, эркам,
Ўзимни ёнингда ҳис қиламан, ҳис!
Қай ерда бўлмайин, қачон бўлса ҳам.
Сени соғинаман, ойнинг ўроғи
Останкин кўкидан боққанда қиё.
Чарақлаб қуёшнинг олтин яноғи,
Останкин кўкидан сочганда зиё.
Умид-ла қўйганмиз бир ёстиққа бош,
Гар олисда бўлсам, айрилиқ, дема.
Ялакат мағиздек қалбимиз туташ,
Ҳаёт — деңгиз экан, мен — баъзан кема.
Сен — унда,
Мен — бунда,
Орамиз олис,
Ўзимни ёнингда ҳис қиламан, ҳис!

Москва, 1963

* * *

(Октава)

Тонгдан оқшомгача қалбимда сурур,
Сўзлар гавҳаридан тизаман маржон.
Оқшомдан тонггача энтикиб бедор,
Шу маржон ишқида мен шайдойи жон.
Ҳордиқ нега керак, керакмас зинҳор,
Истаган эмасман уни ҳеч қачон,
Шеърят боғида сайр этган санам
Менга қучоқ-қучоқ гул тутқазган дам!

1963

Юрак!

Булоқ каби жўшасан баъзан
Баъзан гуриллайсан мисоли олов.
Керакмас ишқи йўқ ва бенаво тан,
Ҳамиша жўшавер, ёнавер лов-лов.
Булоққа боқаман:
Отиб қум-тошни,
Сўнгра таралади неча ирмоққа.
Қўксида қалқитиб баркаш қуёшни.
Най чалиб чопади шаҳар, қишлоққа.
Юрак, булоқ каби куйларингни от,
Истайман, айлансин мавжли ирмоққа;
Ҳар ташна кўнгилга элтиб об-ҳаёт,
Янграб, сингиб кетсин шаҳар, қишлоққа.

1965

Хафа кўринасан баъзан, рафиқам,
Сабабин сўрасам маъюс боқасан.
Биламан хафалик сириш ўзим ҳам,
Айтмас феълинг билан менга ёқасан.

Шодмон кўринасан баъзан, рафиқам,
Сабабин сўрасам хурсанд боқасан.
Биламан шодлигинг сириш ўзим ҳам,
Қамтар феълинг билан менга ёқасан.

Гоҳ хафа, гоҳ хуррам боқасан, эркам,
Шодлигинг ёқадн, қайғунг-чи, ҳечам.

1965

Оламга нур сочиб, эй гўзал қуёш,
 Осмон сафарини бошлашинг яхши.
 Истардим, боғимга андак қўйиб бош,
 Бўлолсанг кўнглимнинг қуёши — нақши!
 Ҳали ҳам шундайсан, чиройинг очиб
 Бошимда сузасан, кўнглим нақшисан,
 Боғимга туганмас ғуж-ғуж зар сочиб,
 Мунаввар этасан, қуёш, яхшисан.

1965

САЙЁҲ БУЛУТЛАР...

Осмон карвонлари —

сайёҳ булутлар,

Баъзан ҳаёлимни этасиз асир:

Илҳомим чашмаси жўшган минутлар,

Деразамни чертиб қуясиз ёмгир.

Тинглай,

сўзлаб беринг, сайёҳ булутлар,

Сафарга чиқдингиз қайси эл-юртдан?

Олам кечмишидан огоҳ булутлар,

Ошдингиз қайси кент,

Қайси ҳудуддан?

Қорли чўққиларга кийдириб салла,

Чақмоқлар чақдингиз қайси тоғларда?

Неча гулга мафтун бўлиб тонг палла,

Шивирлаб кездингиз қайси боғларда?

Ёки ваҳм босиб араб чўлида,

Мудҳиш ташналикдан сақланмоқ учун,

Биронта денгизни сафар йўлида

Хўплаб олдингизми тап-тақир, бутун?

Менга сўзлаб беринг,

сайёҳ булутлар

Қайда сиз сув ичган булоқнинг боши?

Бағрингиз кўлкаси —

эмасми дудлар?

Ёғган ёмғирингиз —

ғариблар ёши?

Ерга тушгач,
сачраб тўзгиган томчи —
Ҳасратингиз чанги эмасми чиндан?
Кўкни қалтиратган илониз қамчи —
Чақмоқ қиличмасми тортилган қиндан?..
Деразамни чертиб,

Куясиз ёмғир
Пахмоқсоч булутлар,
сайёҳ булутлар.
Менга арзингизни айтгани бир-бир,
Атайлаб ошдингиз неча эл-юртлар?
Бахтиёр Шарқ узра келдингиз букун,
Айтинг-чи, ўкириб йиглайсиз нега?
Биламан, оҳ уриб, ёш тўкиб маҳзун,
Мазлумлар ҳолидан сўзлайсиз менга.
Алам ва интиқом.

Ғазаб ва исён —
Атомдан минг қатла кучлидир букун.
Ол байроқ кўтарган эркталаб инсон
Қаҳридан жабр-зулм бўлажак кукун!..
Баҳор булутлари,

Етказинг дарҳол —
Жабрдийдаларга,
Тўкмасин кўз ёш!

Кураш,
Фақат кураш келтирар иқбол!
Менинг Ватанимдир мададкор Қуёш!

Апрель, 1965

Оқшом сурма тортиб келади аста,
Қўлидан етаклаб қорасоч тунни.
Маъшуқлар боғидан тузиб гулдаста,
Кузатиб қоламан мен сахий кунни.
Ва орзу қиламан,
Дилрабо тун ҳам
Бенасиб этмасин ўз оромидан:
Юлдузлар бекаси —
сулув Ойсанам
Маст этсин,
май тутиб Лира жомидан.

1965

(Эркин Воҳидовга)

Ҳаёт бўлмағандай бесув, беҳаво,
Кундуз бўлмағандай беқуёш, бенур,
Юрак ҳам бўлмайди бенай, бенаво
Ва инсон яшамас безавқ, беҳузур.

Тасаввур этмам мен ҳаётни бекуй,
Шеърсиз ўтмайди туним, кундузим.
Эркин, пиёлага май тўлдириб қуй,
Янги шеър туғилди, балқди юлдузим.

4. 1. 1965

МЕНИНГ ШАҲРИМ

Тонготарда тураман ҳар кун.
Шаҳрим кезиб юраман ҳар кун.
Кенг бағрида сайри боғ этиб.
Завқ-шавқини сураман ҳар кун.

Менинг шаҳрим ободу ёшдир,
Осмоида доям қуёшдир.
Кезиб чиқиб дейсан офарин! —
Ўнга толе ва бахт йўлдошдир.

Буюк дўстлик камоли шунда,
Буюк дўстлик тимсоли шунда.
Менинг шаҳрим қаҳрамон шаҳар —
Буюк дўстлик иқболи шунда,

Уни қулар украин ҳам рус,
Уни қулар латвиш, белорус...,
Қад кўтарар дақиқа сайни,
Менинг шаҳрим дўстликка қомус.

Ана, Ленин майдонига боқ,
Салобатли аркониға боқ.
Зиё сочиб ҳилпираб турган
Ол байроқли осмонига боқ.

Қайга боқма кранлар қатор,
Тиним билмас электр мотор,

Осмон ўпар бинолар қурган,
Бинокорнинг қалбида виқор.

Чилонзордир мен яшаган жой,
Бўлгандирсиз бунда ҳойнаҳой.
Маҳлиёдир кўрки, ҳуснига
Купдуз қуёш, тунда эса ой.

Чилонзорлар шаҳримда бисёр,
Барчасига истиқбол ҳамкор,
Ҳар тонг кезиб, сайри боғ этиб,
Мақтовига мен чертаман тор.

Бунда бир бор келиб қолган зот
Кетмай, қолиб кетар умрбод.
Менинг шаҳрим гул ва нур шаҳри,
Одамлари сахий ва дилшод.

Гўзал Тошкент Шарқда машъалдир,
Бинолари мрамору ҳалдир.
Қураберинг қўли гул дўстлар,
Ҳар бир бино сизга ҳайкалдир!

1966

МИРЗАЧЎЛГА КЕЛИНГ

Мирзачўлга келинг, дўстлар, богистондир,
Боги Эрам тенг келолмас гулистондир.
Кундуз офтоб, тунда юлдуз, ой маҳлиё,
Гўзалликда ягона булбулистондир.
Мирзачўлга келинг, дўстлар, богистондир.

Бул чамандир Ўзбекистон ифтихори,
Қамаштиргай кўзни боқсанг пахтазори.
Ширин-шакар меваларга багри кондир.
Мафтун этгай олмазори, анорзори.
Мирзачўлдир Ўзбекистон ифтихори.

Улуғ доҳий берди иқбол бу бўстонга,
Шавкату шон бўлди йўлдош ҳар инсонга.
Камолига, жамолига жаҳондир лол,
Келинг, дўстлар, Мирзачўлга — гулистонга,
Улуғ Ленин берди иқбол бу бўстонга.

20. 11. 1966

* * *

(Октава)

Мени қийнаб келар доим бир сўроқ:
— Кимдан ортда қолдинг ва ўздинг кимдан?
Жавоб излаб хаёл сураман узоқ
Ва мамнун бўламан кечган умримдан.
Кўп йил ҳамроҳ бўлди менга аргумоқ,
Жангларда суғурдим қилични қиндан.
Фарзандлик бурчимни ўтадим ҳалол,
Яна зарур бўлсам, тайёрман дарҳол!

5. 12. 1966

БИР ГҶЗАЛНИ ҚҶРДИМ

Ой десам ойдан гўзал офтоб мисол рухсор экан,
Қўзлари жон қасдига битган бало — хумор экан.

Пайқамай қолди дебон бордим висолига атай,
Жилмайиб боқди қиё ул маҳлиқо ҳушёр экан.

Қўп хижолат этмайин деб васлидан кетдим нари,
Ғайратидин англадим колхозида илғор экан.

Тинмагай меҳнат қилиб, ҳар ёнида хирмонлари,
Минг тасанно жўралар, ўз касбига хуштор экан.

Мирзачўл бўстонида кўрдим жамолин субҳидам,
Чўл эмас, бўстон аро ул сарвиноз баҳор экан.

Бир боқиб дийдорига, қайтай десам ором олиб,
Боқмади бизга қиё, севгонига дилдор экан.

1966

Тунни гўзал деймиз тикилиб ойга
Ва мафтун бўламиз юлдузларга биз.
Берилиб кетамиз тунги чиройга,
Эътибор бермаймиз кундузларга биз.
Аслида гўзалдир мунаввар кундуз:
Унда жилоланар Ер ҳам, Само ҳам.
Кўринмай кетади ой, минглаб юлдуз,
Қуёш тоғ ортидан илк жилмайган дам.

1967

БАЛИҚ ОВИДА

Куёш хайрлашди кипригин юмиб,
Теракларга бўса бериб сўнгги бор.
Сал ўтмай,
Тўғлини ой мўралаб, кулиб
Юлдузлар оламин этди ихтиёр...

Қиялама соҳил —
Адир бағрида
Гулханлар кетма-кет бўларкан пайдо,
Дарёнинг нафаси еллар барида
Оловни пуф-пуфлаб,

Айланар шайдо.

Суҳбат ва қаҳқаҳа тутмиш қирғоқни...
Очилди рюкзаклар,
очилди тўрва.

Сепоя остида,
Чимдиб димоқни,
Челакда пишади антиқа шўрва:

Қартошка,
Мурч,
пиёз,
дафна япроғи
Тамли балиқларга омухта бу чоқ.
Балиқ шўрва келди тобига чоғи,

Дастурхонга чўкди овчилар шу чоқ.
Тузини тотаркан, қайнаган онда,
Шўрвапаз мақтанар:

— Шўрвамас, асал!

Ичмаган армонда,
Ичган дармонда,
Соғайиб кетади гар бўлса касал!..

Шўрва ҳам ичилди.
Мизғилди андак.
Гира-шира тонгда турилди яна.
Боболар мисоли керишиб кўкрак,
Қайиқлар дснгизга бурилди яна..

1967. Чордара

Ч И Н О Р

Ҳар йили келасан саратон чоғи,
Келасан соғиниб қишлогинг сари.
Гуррос чапак чалиб чинор япроғи,
Сени қутлар,

Қутлар ошиқ сингари.
Узоқ тикиласан бўйи-бастига,
Барғларин ўпасан, айланиб уни.
Муздек анҳор сувин сепиб остига,
Ҳордиқ чиқарасан, бўлиб мафтунни.

Мен эса кузатиб ҳар сафар пинҳон,
Сендан узолмайман нигоҳим асло.
Оҳ қани, билсайдинг, чинорни қачон —
Сен учун экканим, кўзлари шаҳло!

Уни эккан эдим йиғлаган ҳолда,
Тўйинг куни, ашким билан суғориб;
Мангу яшасин деб ушбу пиҳолда, —
Илдиз тупроғига севгимни қориб.

Талай йиллар ўтди ўшандан буён,
Талай сувлар оқиб кетди анҳорда.
Аммо менинг севгим ғунчаси ҳамон
Яшайди барг ёзиб азим чинорда.

1967

БАҲОР СИМФОНΙΑСИ

Деразамни оҳиста очиб,
Тонгда мени қутлади сабо.
Ялпиз бўйин хонамга сочиб.
— Боғ сайрига, деди, марҳабо!

Боққа чиқдим,
Ўриклар чаман,
Шафтолилар гуллабди қийгос.
Шу чаманга тикилганча ман
Лол қолдим
Жўшқин эҳтирос —
Инъом этиб баҳор торини,
Мисраларга мени этди гарқ.
Сўйлай қалбим ифтихорини,
Эшитсин Ғарб ва эшитсин Шарқ:

Жаҳон ичра тенги йўқ гўзал,
Гул ҳидига тўлиб кетган боғ;
Гўзал гапми, ундан ҳам афзал,
Одамзодни мафтун этган боғ;

Мевалари сархилу бол там,
Шарқираган сувлари гулоб;
Тўрт фасли ҳам баробар кўркам,
Истараси бамисли офтоб —

Боққа чиқдим.
Ўриклар чаман,
Шафтолилар гуллабди қийғос.
Бир гулғунча
Очилғунча ман,
Шу шеъримни ёзиб бўлдим, рост.

Гувилларди табиат майин,
Муסיқанинг йўқ ниҳояси.
Ром этарди тинглаган сайин,
Гўзал баҳор симфонияси!..

Дўрмон, 1967

Оҳу қидирибми ё излаб олқор
Тоққа чиқмоқ бўлсанг чиқавер, майли.
Кўкни мўлжал қилиб, мисоли шунқор
Баланд учмоқ бўлсанг учавер, майли.
Майли Ойга ҳам чиқ, Зухрода сайр қил,
Хулкар даврасида меҳмон бўла қол,
Фақат илтимосим шулки, муттасил
Дўстликдан гапиру ўтқазгил ниҳол!

1967

«

Харсанг тош думалаб тушса гар сойга,
Тўлқинлар қудрати оқизиб кетар.
Қурби етмай қолса,
 чопгандай пойга,
Шу харсанг устидан сакрашиб ўтар.
Ёшлик — бу оловдир ҳамда жасорат,
Ёшларни тўхтатиб бўлмайди асло.
Кимки гов бўлмоққа қилса гар журъат,
Харсанг қисматиға бўлар мубтало!

1967

ХИЁБОН

(М. Шайхзода хотирасига)

Соқий, келтир косани лим-лим,
Алаимдан ичай мен бода.
Кўз юмибди шоир, муаллим,
Улуғ инсон Мақсуд Шайхзода.

Наҳот тинди ноёб янгроқ соз,
Наҳот тинди у жўшқин юрак!
Наҳот бизни тарк этди устоз,
Наҳот суҳбат қураминз бўлак!

Наҳот анҳор бўйидаги уй
Қолди ғамнок сукутда мангу!
Наҳот унда жарангламас куй,
Деразадан ёғилмас ёғду!

Наҳот устоз севган хиёбон,
Зордир шоир қадамларига!
Қандай чидай, дўстлар, мен бу он
Айрилиқнинг аламларига!..

Қулаб тушди яна бир Чинор,
Саҳоватли улкан соябон.
Аммо, қолди у эккан чинор,
У сайр этган шеърий хиёбон.

19. 2. 1967

С О А Т

Деворда одамзод яратган соат,
Вазмин бориб келар олтин кафтгири.
Одамзод майлига этиб итоат —
Вақтии ўлчашлик азал тақдири.

Ажабо, мўъжиза яратиб нисон,
Соатга жон бермиш, юргизмиш уни.
Кейин соат бўлиб вақтга ҳукмрон,
Одамни измига солмиш ҳар куни.

28. 4. 1968

СИЗНИ ЖАҲОН ОЛҚИШЛАР

Гагарин, Титовнинг елкадошлари
Осмон гумбазини қучдилар яна,
«Лочин» билан «Бургут» юлдузлар сари
Яшиндай учдилар, учдилар яна!
Бутун жаҳон аҳли ҳайратда бугун,
Совет шунқорларин маҳоратига;
Неча кундуз ҳамда неча сирли тун
Самони забт этган жасоратига.
Куррамиз топмаган бунёдга келиб
Бундай оламшумул мардликдан дарак.
Сайёралараро яшиндай елиб,
Ким ҳам айланибди булардан бўлак!
Гагарин, Титовнинг елкадошлари
Юлдузлар оламин қучдилар яна!
Тинчлик ва дўстликнинг тилакдошлари
Юлдузлар оламин қучдилар яна!
Офарин Андриян! Офарин Павел!
Осмон дарбозасин чароғбонлари!
Ҳеч ким ушлашолмас сизлар билан бел,
Сиз юлдуз чаманин илк богбонлари.
Учинг,

Яна учинг ой-юлдуз сари,
Зафарли йўлингиз бўлсин нурафшон.
Сизни олқишлайди жаҳон халқлари,
Совет шунқорлари, сизга шараф-шон!

АЛЕНУШКА

Харсанг тош устида сувга тикилиб,
Ёлғиз ўлтиради ўрмон ичра қиз;
Ултирар ёд этиб; сувга йиқилиб,
Чўккан укасини армон ичра қиз.

Қарийб бир асрки, соҳилда шу ҳол —
Ҳижронга юз тутиб чекади қайғу.
Қарийб бир асрки, қаддин этиб дол —
У сувга боқади,
Боқади мангу!..

Бу,
 рассом қалами чизган шоҳ сураат,
Хонам безагидир, дўстларим.
 Аммо,
Сураатда кўраман жозиба, қудрат! —
Сўз-ла тасвир этиш мушкул, муаммо.

Ҳар оқшом сураатга боқаман бир бор! —
Мени мафтун этар ўрмон, оқ қайин.
Қизга-ку ҳамдардман зинҳор-базинҳор,
Сураатга асирмаи боққаним сайин.

Ва ўйлаб кетаман:

Хонамга, рассом,

Санъатинг тожини илиб кетибсан:

Мухлислар қалбини мангу этиб ром,

Мухлислар қалбини мафтун этибсан!

1968

ГУЛ КЕЛТИРДИМ...

Гул келтирдим сенга бир қучоқ,
Оддий гулмас, анвойи гуллар.
О, Малика, лутф айлаю боқ:
Мендек сенга шайдойи гуллар.

Ўзгалардан олмадм сўраб,
(Ўзга гулин этмасман мақбул).
Келтирдим кўз нуримга ўраб,
Ўз боғимдан, қабул эт, қабул.

Боғим менинг ушбу диёрдир,
Жаҳон боғи ичра ягона.
Бир диёрки иқболи ёрдир,
Минг тилларда номи афсона.

Боғим менинг — сенинг иқболинг,
Иккимиз ҳам тенгхуқуқ ворис.
Фақат ўртар мени висолинг,
Гул келтирдим сенга шу боис.

Бу гулларда сенинг дусенинг бор.
Камолнинг бор.

Латофатнинг бор.
Эккан эдим сен учун дилдор,
Бу гулларда шарофатнинг бор.

Сараладим уни субҳидам,
Ғазал ўқиб ёнганда булбул.
Ишқим ўраб гулга, маликам,
Олиб келдим, қабул эт, қабул.

Агар қабул этмасанг гулим,
На чорадир,
Йиғлаб бу кўнгил,
Токи хазон бўлгунча умрим
Гул экаман, гул экаман, гул!

Ва барг ёзиб гуллар ҳар баҳор,
Сайрар экан булбул муттасил:
Унинг дардли куйида, дилдор,
Мен ошиқнинг оҳи бор деб бил!

1968

Ч У К К И

(Гафур Фулом хотирасига)

**Қорли чўққиларга боқаман баъзан:
Яланғоч ханжардай қадалиб кўкка,
Улкан салобат-ла мағрур ва ўйчан,
Ватаним кўксига туради тикка.**

Ва ошиб асрдан асрлар сари,
Узоқ тарихлардан сўзлар ҳикоя.
Шоир ҳам худди шу чўққи сингари —
Узоқ келажакка элтади ғоя.

У гоя сўнмайди,
Сочади ёғду,
Ҳар тонг янги бўлиб балққандай қуёш.
Авлодлар ёд этар ардоқлаб мангу,
Буюк ҳурмат билан доим эгиб бош!

1968

Гоҳи шодман, жўшади юрак,
Чирмаб олар мени ҳис, ўйлар.
Шўх торимга жўр бўлиб бешак
Табиат ҳам қўшилиб куйлар.

Гоҳи чўкар қалбимга соя,
Тўсган каби ой юзин булут.
Ва ғам бўлар менга ҳамсоя,
Шодлик эса бегона, унут.

Ҳаёт ўзи шундай экан-да:
Гоҳи хафа, гоҳи сан хурсанд.
Нимадандир кўнглинг ўсганда
Нимадандир еб қоласан панд.

1968

Баъзида юракка сигмайди қил ҳам,
Фақат ёлғизликни тусаб қоламан.
Баъзида юракка жо бўлар олам,
Ёру ошноларни қўмсаб қоламан.
Танимга сигмайди ўшанда юрак,
Отилгим келади сайри боққа мен.
Жисмимни етаклаб эзгу ҳис-тилак,
Хаёлан чиқаман баланд тоққа мен.
Ва этиб қоядан қояга парвоз,
Атрофга боқаман асиру мафтун.
Осмон соз,
 Ҳаво соз,
 Дала,
 Боғлар соз,
Сеҳрлар ғойибдан оҳанграбо ун.
Тоғ-тошни тарк этиб чопаман жадал,
Қуёш ботиб, аста жилмайгач ҳилол.
...Сўнг илҳом париси аталмиш гўзал
Тонгни қарши олар мен билан хушҳол.

1968

ШОИР ДЎСТИМГА

Урик гуллаганда туғилган одам,
Олавер, сеники шу чаман баҳор.
Сеники нур тўла наврўзи олам,
Сеники илҳомга бурканган наҳор.

Сеники бепоеън лолазор қирлар,
Сеники шифобахш тоғ бағри, булоқ.
Сеники бойчечак унган ўнгирлар,
Ҳаммаси сеники! Атрофинга боқ:

Турналар қатори салқиб келади,
Келади суқсуру хушҳол қалдирғоч.
Нурафшон айёмлар балқиб келади,
Келади шоирга кенг ёзиб қулоч.

Келади дўстларинг гул-лола билан,
Сени қутлагани, эй камтар одам.
Келади қалбида шалола билан,
Сени қутлагани мўътабар одам.

Шоир, мен ҳам сени қутлайман бу дам,
Қутлайман навқирон баҳоринг билан.
Элликка кирибсан, мучалинг кўклам,
Яшайвер шод этиб ашъоринг билан.

1968

СОҒИНАМАН СЕНИ, СИРДАРЁ

Олисдан кўринар асрий катта тут,
Олисдан кўринар асрий қайрағоч.
Бораман талпиниб,
Оламдир унут,
Юрак бамисоли нотинч қалдирғоч.

Бораман,
Сўроқлаб олтин баҳорим,—
Олтин ёшлигимни сўроқлаб бу чоқ.
Бораман,
Қўлимда янграгиб торим,
Қайсики, дўстларим, кайфига муштоқ.

Бораман талпиниб...
Севаман жондан
Қадрдон қишлоғим яшил ҳавосин.
Пиёла чой ичганман ҳар хонадондан...
Севаман қишлоғим асил навосин:

Қўноқдан тушмайин, саҳар жар солиб,
Баравар қичқирган хўрозларин ҳам;
Тонгда гердайишиб, кўлга йўл олиб,
Баравар қичқирган хўрозларин ҳам;

Қўйлар маъраши-ю итлар ҳуришин,
Тонгги ва оқшомги пода чангин ҳам;

Мезана устида лайлак туришин,
Муаттар гулларнинг чаман рангин ҳам;

Севаман барини,
Барини беҳад,
Тандирдан таралган нон нсини ҳам;
Севаман полизлар бағрини беҳад,
Мевазор боғларнинг бол ҳуснини ҳам.

Севаман асрий тут,
Асрий қайрағоч —
Қўксида гулдаста қишлоғимни мен.
Сахий далалари отиб кенг қулоч,—
Уфққа пайваста қишлоғимни мен.

Қишлоғим йигитдек доим навқирон,
Сирдарё белида кумуш камари.
Иккиси эгизак янглиғ ёнма-ён,
Учмаган,
Учмайди толе қамари.

Беланчагим бўлган бу жўшқин дарё,
Мени аллалаган тўлқини билан;
Дилга меҳр,
Кўзга бахш этиб зиё,
Мени йўргаклаган ёлқини билан.

Қишлоғим — Сирдарё,
Азал ҳамнафас,
Азал ошиқ-маъшуқ,
Азалдан сирдош.
Қишлоғим ололмас дарёсиз нафас,
Дарё оқмас урмай қишлоғимга бош.

Келдим мен,
Талпиниб,
Қўмсаб,
Согиниб,
Мени олқишлайди борлиқ сарафроз.
Гўзал соҳилингга
Оҳудай сувсаб —
Келдим мен, Сирдарё!
Қадрдон Чиноз!

1968

ИЙЛЛАР ҲЗИ ОЛТИН ТАРОЗИ

Гулим бор деб юрардим, Наргиз,
Ва назарда тутардим сени.
Афсус,

Билсам эканман ёлғиз,
Ҳзинг огоҳ айладинг мени.
Қўнгил бердим,

Қанча гул тердим,
Дилинг қулфин очолмадим, бас.
Қўнгил экан, нима ҳам дердим,
Суймаганга суйканиб бўлмас.
Майли, бахтинг ҳамиша кулсин,
Майли, севган бог қўчангдан юр.
Фақат, расминг ёнимда турсин,
Ёдгор бўлиб сендан бир умр.
Энди, сенга тилайман оқ йўл.
Майли, кетсанг розиман, рози,
Қайда бўлсанг доим омон бўл,
Ииллар ҳзи олтин тарози.

1968

Дўстлар бор — тилакдош, холис, беминнат,
Йиқилсанг турғазиб, суяйди дарров.
Дўстлар бор — ўткинчи, ланж ҳам серминнат,
Фақат ўзин ўйлаб, сенга бўлар ғов.
Шундайин дўстлардан асрасин дейман,
Улар хамелеондай ўзгартар тусин.
Одамни ўйлайман, сарасин дейман,
Чин дўстлик — одамнинг ҳуснига ҳусн.

1969

ШОИР ОВУЛИДА

(Ибройим Юсуповга)

Қанча овул кездим,
Гар айтсам сенга!
Барчаси ўзгача,
Барчаси гўзал.
О, сенинг овулинг, ёшулли, менга
Туюлди баридан кўркам ва афзал.
Ҳа, шундай туюлди —
Дема илтифот!
Қишлоқ фарзандиман ўзим ҳам асли,
Ёддан чиқармиди эзгу хотирот,
Уша нафосату ўша куз фасли.

Афзал туюлганин сўра толлардан,
Қайсики, ёшликда эккансан ўзинг.
Сўра алп қайрағоч,
Нав-ниҳоллардан,
Қайсики, кўрганда чақнайди кўзинг.

Сўра қийғос кулган турфа гуллардан,
Қайсики, ёнида мастона турдинг.
Сўра гул шайдоси шўх булбуллардан,
Қайсики, хонишин тинглаб ўй сурдинг.

Сенга пешвоз чиқиб, дея марҳабо,
Оқин басталаган наводап сўра.

Аму нафасидай сарин, дилрабо,
Оқшомги фараҳбахш ҳаводан сўра.

Кумуш камар каби овулинг ўраб,
Шеър ўқиб оқувчи сойлардан сўра.
Утов туйнугидан сенга мўралаб,
Эгизак кўринган ойлардан сўра.

Олтин бешигида бахш этиб қанот,
Сендайин фарзандни учирган овул —
Ҳа, афзал туюлди!

Дема илтифот!

Анналик қўбизчи,

Анналик норғул!

1969

ЯНГИ ЙИЛ МУБОРАҚ!

Ишчими,
Агроном,
Олим
Ё боғбон,
Кончими,
Нуршунос
Ёки пахтакор;
Врачи,
Бинокор
Ё моҳир чўпон,
Адибми,
Педагог
Ёки бастакор —
Меҳнат ғолиблари,
Қадрдонларим,
Сизга тутғум бир-бир
Жонажонларим,
Олтин қадаҳларга тўлдириб шароб,
Сизга тутғум
Олтин қадаҳда офтоб!
Ва айтғум:
— Дўстларим,
Ватандошларим
Янги йил муборақ!
Иқбол муборақ!
Пўлатдай тобланган елкадошларим,

Шу улкан даврада висол муборак!
Сипқоринг гулобни...
Толедир порлоқ,
Ҳаётбахш жаранглар Кремль бонги,
Бизни қаршилайди
Очиб кенг қучоқ,
Қумуш сарпо кийган Янги йил тонги!

1969

МАВЗОЛЕЙ ЕНИДА

Одамзод оқади

Бамисли дарё,

Кети кўринмайди,

Кўринмас боши.

Бу ерда ётибди энг улуг сиймо.

Маркс,

Энгельснинг буюк сафдоши.

Ҳа, Бунда ётибди —

Ҳордиқ олгандек

Владимир Ильич,

Унга ўлим ёт!

Тепмайин қўйса ҳам бир парча юрак,

У мангу тирикдир!

Мангу барҳаёт!

Тонготар одимлар ишчи сафида,

Завод гудогиди унинг нафаси.

Уйлари мужассам олим гапида,

У билан ёруғдир чўпон капаси.

Мирзачўи боғида кезаркан бобоюн.

Евма-ён Ильич ҳам одимлар мамнун.

Гигант қурилишлар қад кўтарган он

У ҳам ҳаммамиздек боқади мафтун.

Ойга қўндирилган элчи вимпелда,
Космосда сайр этган кемаларда ҳам;
Эрк дея курашган ҳар битта элда
Владимир Ильич ҳамроҳ ва ҳамдам.

Номи бахш этади лочнига суръат,
Номи бахш этади шоирга илҳом;
Жангчига мардлигу
 Қўлларга журъат,
Инсонга қанотдир Ленин деган ном.

У тогда,
Денгизда,
Хар хонадонда,
У ҳаёт тўлқини —
Мавжи зўр дарё.
Номин эшитмаган йўқдир жаҳонда,
У қуёш —
Сочади оламга зиё!
Одамзод оқади
Бамисли уммон,
Кети кўринмайди, Кўринмас боши.
Бу ерда ётибди энг улуғ инсон
Владимир Ильич —
Башар Күёши!

1969

НОМАЪЛУМ СОЛДАТ

Одамлар!

Шошилманг,

Тўхтанг бир нафас

Номаълум солдатнинг қабри ёнида.

Кўп эмас,

Ҳа,

Андак тўхтасангиз бас.

Шу марҳум ўғлонга таъзим ониди:

Сукунат қаъридан янграйди нидо

Ер-қўкни титратиб, титратиб дилни.

Бу нидо қалб ичра берар акс-садо.

Эслатиб бомбалар портлаган йилни.

Ана, қўзғаляпти номаълум солдат,

Ана у тобутдан турди рўйирост.

Фақат бешинелу қам беавтомат,

Боқиши паҳлавон аждодларга хос.

У наъра тортмоқда, Кенг жаҳон узра

Наъраси бамисол момақалди роқ:

— Одамлар !

Урушга йўл қўйманг сира,

Жиловланг урушни,

Жиловланг тезроқ!

Ҳа,

Огоҳ бўлинглар,

Одамлар!

Огоҳ,

Урушга йўл қўйманг,
Солингиз бошвоқ!
Агар мушт кўтарса биронта гумроҳ,
Синдиринг қўлини беаёв шу чоқ!
Уларга бепарво бўлмайди қараб.
Туну кун,
Ҳамиша тинч бўлсин жаҳон!
Қурбонлар номидан қилурман талаб,
Беҳуда қон оқиб, ўлмасин бир жон !

* * *

Иванми,
Тарасми,
Ладо ё Аҳмад?—
Исмингни билмам мен,
Кечир дилбандим.
Халқинг ва Ватанинг қадрлар беҳад,
Ҳар оила дейди сени фарзандим.
Жигарим,
Қардошим, тинч ухла,
Тинч ёт,
Қабрингга келтирдим қучоқ тўла гул.
Ҳамиша огоҳмиз!
Гуркирар ҳаёт,
Боғларда туну кун сайрайди булбул.

1969

ОВЧИЛАР

Овга чиқдик кузда учовлон бўлиб:
Раҳимжону Ҳайитбой, Мавлон бўлиб.
Уч овчига — уч този, бедов эдик,
Яъни учовлон эмас олтов эдик.

Ҳид олишиб тозилар чопа кетди,
Сулгун¹ ларни кетма-кет топа кетди.
Қўшоғизлар кун нурида ярақлаб
Ишга тушди бирин-кетин шарақлаб.

Қулар эди гоҳи товуқ, гоҳ хўроз,
Югурарди олдда Раҳимжон дароз.
Ҳайитбой ҳам ҳаллосларди кетидан,
Ҳар гал тушиб бешюзграм этидан.

Каминанинг ҳоли эди худ-ноҳуд,
Тегиб, тегмай қанча ўқ бўлди нобуд.
Хуллас, шу кун баракали ов бўлди.
Ўн қирғовул ошхонага ров бўлди.

Парвоз этиб ушбу овнинг довруги,
Етиб келмиш Тошкентга ҳам қуйруги,
«Отишибди юз қирғовул учовлон —
Раҳимжону Ҳайитбой ҳамда Мавлон...»

¹ Хоразмликлар қирғовулни сулгун дейди.

Во ажабо, дедим ёқамни ушлаб
Эшитганда, лофчи дўстларни хушлаб.
Бу гал чиндан эшак отдан ўзибди,
Дўстлар овнинг қулоғидан чўзибди.

Ов яхшию ва лекин лофи ёмон,
Назоратчи ташкилот бермас омон.
Шундан буён уч овчи — учта ботир
Суддан қоғоз кутиб доим хавотир.

Лоф бўлса ҳам майли, фақат ов бўлсин.
Қирғовул, ғоз, ўрдакдан палов бўлсин.
Ов ҳам спорт — носоғни соғ этади,
Ўрмон гашти димоғни чоғ этади.

Хоразм, 1970

ҚОРА ДЕНГИЗ ИЛҲОМЛАРИ

ДЕНГИЗ ПАРИСИГА

Орзум эди ҳуснингга тўймоқ,
Атай келдим, ошуғингга боқ!
Аркадийда¹ тураман мамнун,
Бир қучоқ гул кўтариб муштоқ.

Субҳидамда гулзор оралаб,
Иштиёқ-ла хиллаб, саралаб,
Сир, Амунинг қирғоқларидан
Олиб келдим севиб, авайлаб.

Илтифот қил, эй гўзал «ғаввос»,
Гулларимни ол, бағрингга бос!
Сўнгра сочгил соҳилларингга,
Кийсин турфа гуллардан либос!

1959

¹ Одессанинг денгиз бўйидаги энг гўзал парки.

САБОНИНГ ДЕГАНИ

Дўстим, қара! Чорлайди соҳил,
Сени қутлар ҳар ерда иқбол!
Сени қутлар, силкитиб кокил,
Бошинг узра қатор мажнунтол/

Сени қутлар, арчазор тоғлар,
Ухшаши йўқ оромбахш даргоҳ!
Сени қутлар, мевазор боғлар,
Қайнар булоқ, гўзал сайргоҳ!

Сени қутлар, кундузи қуёш,
Тунлари ой лол қолган Қрим!
Сени қутлар, денгиз уриб бош,
Дудоғидан бол олган Қрим!

Қўлингга ол, дўстим, торингни,
Баланд парда билан черт, сайрат!
Виқорингни, дилда борингни
Тараннум қил, қалбларни яйрат!

«Қрим» теплоходи.
1959

Лирика эҳромин буюк меъмори,
Асрдан-асрга янграр овозинг,
Навқирон насаллар гултож қатори
Мангу ўз бошида элтади созинг!

Одесса, 1959

ОҒАРМУШ ТОҒИ ЭТАГИДА

Бир лаҳза,

бир лаҳза дил оҳи-зори...

Тилим кесилгандек гунг бўлиб қолдим.

Юлдузлар саф тортган мардлар мазори —

Олдида тик туриб шапкамни олдим.

Қалбим тепишини эшитдим ўзим,

Шу қадар сукунат —

хазин гўристон.

Қабрлар устига тикилди кўзим,

Гўристон эмас,

йўқ!

Хазонсиз бўстон!

Ухлайди бу ерда жанглар қурбони,

Қабрда яшнайди минг турли чечак.

Тарихдан ўчмайди шарафли номи,

Унутмас уларни замон, келажак!

Бир лаҳза,

бир лаҳза дил оҳи-зори...

Бирон сўз айтолмай гунг бўлиб қолдим.

Юлдузлар саф тортган мардлар мазори —

Олдида тик туриб дўппимни олдим.

Эски Қрим шаҳри, 1959

БҰРОН ҚУШИ

Елдиригдай чарх уриб ногоҳ
Бўрон қуши тўш урди кўкка,
Тобора у баландлаб тикка
Зўр бўрондан этарди огоҳ.

Дам ўтмади,
 шиддатли бўрон
Даҳшат пуркаб ҳужум бошлади,
Чўнг кемалар лангар ташлади,
Мачталарда юлқинар алвон.

Тўлқинларга мингашиб тўлқин,
Гувиллади денгиз —
 пўртана!
Кучаймоқчи бўлгандек яна,
Ҳуштак чалиб қамчилар отин.

Матрос турар жанговар постда,
Ватанини, бахтини сақлаб,
Ва фарзандлик бурчини оқлаб
Палубада — сафарбар постда.

Қийим-боши шалаббо,
 биноқл —
Биноқлга қадаган кўзин,

Шердай мағрур тутади ўзин,
Нигоҳида яқин ва йироқ.

Майли бўрон, майли пўртана,
Шаррос қуйсин майлига жала,
Бўлолмайдн босқинчи ғала —
Душман учун ҳеч бири пана!..

Елдирымдай чарх уриб ногоҳ
Бўрон қуши тўш урди кўкка.
Тобора у баландлаб тикка
Зўр бўрондан этарди огоҳ.

Керчь. Июль 1959

У Г И Т

Дарға деди: — ўғлим, қара, разм сол,
Қўкдаги паришон парча булутга.
Бир жойда турибди, ғамгин, бемажол,
Борарин билмайин қайси эл-юртга.

Йўлини йўқотиб гангир, мисоли —
Қарвондан адашган бевош бўталоқ.
Эсда тут, ҳар кимнинг шу бўлар ҳоли,
Қўрқиб қочса қилич солганда чақмоқ!

Массандра. 1959

МОВИЙ ТҮЛҚИНЛАР

Тўлқинлар,

тўлқинлар,

мовий тўлқинлар,

Ўйларимни чирмаб олиб кетдингиз.

Чайқалиб,

шовуллаб кундузу тунлар,

Қалбимга жўшқинлик солиб кетдингиз.

Ҳордиқни билмайман ўшандан буён,

Ҳар туним ўтади соз чалиб хушҳол.

Қўшиқлар қўшиққа пайванд бўлган он,

Қуёш хайрлашиб, ой жилмаяр лол.

Тун бўйи,

кун бўйи қўлимда созим,

Мени асир этмиш қайноқ эҳтирос.

Кўнгил куй истайди,

куйлашим лозим,

Бахтини йўргаклаб олган элга хос!

Тўлқинлар,

чайқалинг,

тошинг беором! —

Денгиз чайқалмоғи, тошмоғи керак!

Шоирга қанотдир, эҳтирос, илҳом —

Юрак талпинмоғи, ёнмоғи керак.

Алушта. Июль, 1959

Уша дамни ўйлайман ҳамон,
Уша дамни унутмайман ҳеч,
Уша тотли, ўша маъсум он,
Хаёлимда кезар эрта-кеч.

Қрим қизи!
Қайта гар келсам
Аминманки, шарбат тугасан!
Шундан бери эҳтимол сен ҳам
Минг орзиқиб йўлим кутасан!

Кўктебель. Август, 1959

КЕКСА ҚАРАҒАЙ

У... баланд чўққнда кекса қарағай
Посбон каби мағрур турасан якка.
Қуёш сени қучар энг аввал атай,
Гўё эришгансан юксак тилакка.

Сенга кўринади яқин ва йироқ,
Сенга кўринади Митридат тоғи,
Сенга кўринади дала ва ўтлоқ
Сенга кўринади Кўктебель боғи.

Сенга кўринади сафарга кунда
Байроғи ҳилпираб елган ҳар кема.
Сенга кўринади, шаҳарга тунда
Чироғи парпираб келган ҳар кема.

Сенга кўринади, юлдуз чамани
Денгизда акс этиб имласа, сузса.
Сенга кўринади, Қрим санами
Никита боғида гулдаста тузса.

Шу қадар баландсан, шу қадар юксак,
Юз йиллик тарихнинг жонли гувоҳи.
Сенга талпинади, ундайди юрак,
Ҳар йигит, ҳар қизнинг тушса нигоҳи.

Бошингдан кун буйи шуъла аримас,
Эй азим қарағай, буйчан қарағай.
Шуълага дўст бўлган асло қаримас,
Яшил телпак кийган ўйчан қарағай!

Алупка. Август, 1959

ОЛТИН СОҲИЛ¹

Яна келдим Олтин соҳилга,
Сабабини билмайман ўзим.
Ёқиб қолди бу соҳил дилга,
Сабабини билмайман ўзим.

Уша кунги шўх сабомикан,
Тонгда елпиб «тур» деган яна?
Уша кунги шўх навомикан,
Уйқим қувиб «юр» деган яна?

Кумуш ёлли тўлқинлар у гал:
«Чўмилавер, багрим кенг» девди.
Уйинқароқ бир тўда гўзал
Олма отиб «ширин, енг» девди.

Шуни қўмсаб келдимми яна?
Еки бошлаб келдим илҳом?
Йўқ!

Чорлади мени пӯртана,
Олтин соҳил бахш этган ором!

Август, 1959

¹ Асли Олтин пляж.

Ҳар тонг ошиқаман,
талпинади дил...
Соҳилдан боқаман мовий денгизга.
Қуёш чиқиб келар ёйиб зар кокил,
Ўхшаб тошойнакдан жилмайган қизга.
Қирғоқ гулзорида одимлайман шод...
Беором шовиллаб денгиз чайқалар.
Дам учиб, дам сувга тўш уриб бот-бот,
Кун бўйи ризқ излар кумуш чайкалар
Чайкалар,
чайкалар,
кумуш чайкалар,
Андак нафас олинг, қўнинг соҳилга.
Сизга маҳтал ўнгир, юсак қоялар,
Сиз билан даралар киради тилга.
Чайкалар,
чайкалар,
кумуш чайкалар,
Ҳар сафар тортасиз эътиборимни.
Сиз тўлқин устида тебранган дамлар,
Эслиман бепоён пахтазоримни.
Соатлар ўтади...
Хаёлим елкан,
Улуғвор Амуда, Сирда сузаман.
Чиройи, таърифи оламга кетган.
Тошкент боғларида гуллар узаман...

Қаерда сайр этмай,
қаерда кезмай,
Майлига аталсин у тенгсиз бўстон,
Бўлурму қучоғинг меҳрини сезмай,
Туғилган диёрим — жон Ўзбекистон!

Феодосия. Август, 1959

Ялтани кўрдим мен, ажойиб шаҳар,
 Хуснда тенги йўқ ғаройиб шаҳар.
 Шуълага бурканиб товланар кундуз,
 Тунлари соҳилда порлаган юлдуз.
 Қалбимда шодликнинг булоғи тошиб,
 Меҳр-муҳаббатим гуркираб ошиб,
 Гўзал соҳил бўйлаб сайр этдим наҳор,
 Ду сирга куз келмас, бир умр баҳор.
 Қатор палмалари зонт каби кўркам,
 Сарв дарахтлари саф тортган ўктам.
 Қадамда тўхтайман маҳлиё ва лол,
 Биллур пиёлада сипқаргандай бол.
 Йўлка четларида, уйларида гул,
 Ажиб фонтанларнинг бўйларида гул,
 Томда гул, тошда гул, тоғларида гул,
 Жаннат кўркин олган боғларида гул.
 Муаттар бўйлари анқийди бунда.
 Денгиз шабадаси санқийди бунда.
 Бунда тетик сезар ўзин қари, ёш,
 Бунда тоза ҳаво, зилол сув, қуёш!
 Ялтани кўрдим мен, ажойиб шаҳар,
 Хуснда тенги йўқ ғаройиб шаҳар,
 Тоғдаги сой десам, сойдан ҳам гўзал,
 Кўкдаги ой десам, ойдан ҳам гўзал.
 Демангиз, эй шоир, мунча эҳтирос!
 Жамолин офтобга айласам қиёс:

Қора денгиз узра туради мағрур,
Чехраси қуёшу киприклари нур!
Шу қадар фусункор бу шаҳар кўрки,
Бошида улуғвор Ялта тоғ бўрки.
Қоялар қаддига боқаман мафтун,
Унда жаранглайди оқанрабо ун.
Зилол чашмалари, тошқин сой, дара,
Бургутга¹ бўйсунмас шаддот шаршара,
Серхониш қушлари, адил қарагай,
Харсангда ўлтириб чўпон чалган най,
Ҳаммаси-ҳаммаси, каштанзори ҳам,
Мушку анбар тўла эманзори ҳам,
Кўнгилни ёзади,

Завқ олади дил,
Гул бўлиб чаманда шавқ олади дил!
Ложувард денгизга рашк қилгансимон
Ўзгача товланар феруза осмон.
Ноғиҳон ёзиб кенг қанот-қулочин
Ханжар чўққилардан учадилочин.
Термулиб қоламан парвозига лол,
Мени чулғаб олар эзгу бир хаёл,
Яна қирғоқ бўйлаб ташлайман қадам,
Мавжли тўлқинларга боқиб дам-бадам.
Ҳар лаҳза сеҳр этиб жўшқин кўнгилни,
Лермонтов лираси қитиқлар дилни.
Ва мени етаклаб азиз ўғлидай,
Қўлимга тутқазар ажойиб бир най!..

Ялтани кездим мен, эркалаб суйди,
Қалбимга қўшиқлар булоғин қуйди.
Тотли дақиқалар ўйимда қолди,
Тотли дақиқалар куйимда қолди.

Гурзуф. Сентябрь, 1959

¹ Шаршара тепасига човут солаётган бургут ҳайка-
ли ўрнатилган.

О Р З У

(С о н е т)

Теплоход интилар Одесса сари,
Ореанда, Ай-Петри орқада қолди.
Қўлимда қалин том — Пушкин асари,
Кавказ сатрлари хаёлим олди.

Тўлқин устидаман, қалбда ҳам тўлқин,
Ўйларим ром этур устоз лираси.
Гўё Чайковский симфонияси
Тебратар вужудим, тебратар бетин!

Шу дам орзу қуши мисли қалдирғоч
Чексиз чаманларга тўш уриб, ўйнаб,
Мени олиб кетди гўзал Сир бўйлаб.

Шеърларим жарангланг, ёзинг кенг қулоч,
Ҳар кўнгил уйига тутинг даста гул,
Унга ошён қуриб сайрасин булбул!

«Победа» теплоходи. Сентябрь, 1959

КАПИТАН ҲИКОЯСИ

Данғиллама, ёп-ёруғ хона;
Ҳамма ғўё бир жону бир тан —
Диққат билан тинглар.

Мардона,
Лекин вазмин сўзлар капитан:
— Ярим кеча.

Ёғар эди қор,
Шитирларди бутазор, ўрмон.
Ўз постида турарди ҳушёр
Икки солдат — Андрей, Шодмон,
Кўринмасди атроф-теварак,
Ҳеч нарсани бўлмасди пайқаб.
Бундай пайтда сезғирлик керак,
Керак мардлик,

ирода,
талаб!

Чегарада Андрей, Шодмон,
Шу зайлда туришди узоқ.
Қор бўралаб ёғарди ҳамон,
Улар ҳар ён соларди қулоқ.
Бирдан ўрмон ичра патирлаб
Бир қуш учди —

бу бежиз эмас!
Тун яримда яхшилик кўзлаб
Чегарада ҳеч ким изғимас.

Ким экан у!

Кушни қўноғдан
Бевақт этган безовта,
ким у?!

Ажаб эмас, нариги ёқдап
Ўрмалаган мунофиқдир у.
Худди шундай!

У — жоҳил, маккор.
У бадкирдор, у ёвуз ният!
Уни тезда ушламоқ даркор,
Ҳар дақиқа — фурсат ганимат!
Икки посбон тушди изига,
Бир-биридан олислаб, аста,
Жосус борар энтикиб, шошиб,
Дам баландда, дам эса пастда.

.....

Яқинлашгач, Андрей ўзин —
Пана олиб қичқирди:

— Тўхта!..

Ўтакаси ёрилган қузгун
Пистолетдан ўқ узди:— та-та...
Отишмадан янгради ўрмон.
(Қилинганди атайлаб найранг)
Ортдан келиб босганда Шодмон,
Маккор эди жонсарақ, ҳанг-манг.
Заставада қилинди сўроқ:
Жосус экан — чет эл малайи
У туфайли ушланди олчоқ —
Жосусларнинг яна талайи...
— Ҳозир қайда ўша солдатлар? —
Савол тушди. Шунда капитан
Мийиғида кулиб қўйди-да,
Деди:

— Улар ҳозир капитан.

МОСКВА БЎСАҒАСИДА

Минг тўққиз юз қирқ биринчи йил.
Қаҳратон қиш...

Авж олган уруш...

Ватан қалби — Москвамизга
Разил душман қилмоқда юриш.
Азим пойтахт бўсағасида
Ҳаёт-мамот жанги боради.
Кўкни булут янглиғ буркаган
Порох дуди димоқ ёради.
Буйруқ қатъий:

Ҳатто бир қадам

Чекиниш йўқ!

Олга, ҳужумга!

Жанг бошланди зўр ва шиддатли:
— Улим ёвга!

Улим қузғунга!

Москвамиз остонасида
Душман синди,

Кўрди талофот.

Ана шу жанг,

Ана шу ҳужум

Босқинчига келтирди офат!..
Қудратлидир гўзал Москва —
Истиқболи барқ урган пойтахт.
Шу пойтахтдан нурдай таралар
Кенг жаҳонга озодлик ва бахт!

1945

ҚИЗИЛ БАЙРОҚ

Жанг авжида...

Портлаган бомба,
Снаряддан ер остин-устун.
Булут тоғни қоплаган янглиғ
Ҳамма ёқда чанг, олов, тутун.
Бош кўтариб бўлмайди, лекин
Буйруқ қатъий ва кескин:

— Олға!

Шўх дарёнинг у соҳилида
Қурум босган азамат қалъа.
Шу қалъани забт этиш мақсад,
Шу қалъада ҳамманинг кўзи.
Жон — азиздир, жон — ширин, аммо,
Муқаддасдир қўмондон сўзи.
Полк силжиди ўқ ёмгирида,
Азим дарё қамралди бутун.
Сол, кемага бас келолмади —
Терак бўйи сапчиган тўлқин.
Ана, битта кема ўтолди,
Ғолиб полкнинг моҳир кемаси.
Битта солдат ўтган қоядан —
Ўтган каби лашкар ҳаммаси,
Кема юрди кема кетидан,
Даҳшат пуркаб зўр довулсимон.
Қалдироқдай янгради «ура!»
Еру кўкни қамради тўзон.

Шу пайт Бекжон қадаётганди —
Полк байрогин қалъага,

ногоҳ —

Душман ўқи тешди қалбини,
Байроқ билан йиқилди..

Эвоҳ!!!

Маҳкам қучиб азиз байроқни,
Бир толпиниб Бекжон берди жон.
Аммо, қолди олтин лавҳадай
Шу байроққа қалбдан сингган қон.
Видолашди дўстлар:

— Хайр, Бек!

Жасур, қўрқмас коммунист ҳамроҳ.
Соф қонинг бор байроғимизда,
Шу қон шараф-шонларга гувоҳ.
...Тўплар тинди.

Қозондик зафар!—

Жангномага қўшдик шонли боб.
Ҳу қалъада ҳилпирар байроқ,
Гўё уфқда балқиган офтоб!

1945

ПОСБОН

I

Чегара...

 Ҳавозада Иван ва Қўлдош —
Қошлар чимирилган, юзда жиддият,
Елкада автомат — жанговар йўлдош;
Ўтиб кетмасин деб бирон шум ният,
Дурбинга қадаган кўзин икки ёш.

Яқин-олисларни кузатар икков,
Кўз ўнги—қамишзор тўқай, чакалак.
Тортилган бўлса ҳам тиканак сим-гов,
Соқчига хос чидам, ирода керак,
Керакдир ҳушёрлик, ҳийлакордир ёв.

Соатлар ўтади...

 Икки навқирон
Бир зум ҳам узмайди сарҳаддан нигоҳ.
Агар ўрмаласа биронта «Илон»
Иккиси баравар пайқайди ногоҳ
Ва застава воқиф бўлади шу он...

II

Тун саҳардан огган...

 Бўралайди қор.
Пистирмада жимжит икки қуролдош.
Шитирлар атрофда нимаики бор,
Бундай пайт ҳаводек зарурдир бардош.

Қулай дақиқани пойлайди маккор.
Шитирлаш оҳангн бузилдими, бас,
Демак, жон ҳовучлаб келади олчоқ.
Ана, худди ўзи...

Чўнқайди бирпас...

Ер оппоқ, жосуснинг либоси ҳам оқ,
(Оқ айиқ на қилсин, бунда шимолмас),
— Тўхта! Отиласан!—

Тираб автомат,
Утакасин ёрар Иван ва Қўлдош.
Қўлини боғлашар ўтказмай фурсат;
Душман ёлворса-да, тўкса-да кўз ёш,
Уни заставага элтишар албат!

III

Даҳлсиз еримиз мангу беғубор,
Зогларга йўл бермас мовий осмони.
Бахтимиз қўриқлаб туну кун ҳушёр
Постида туради Совет посбони,
Қаҳрамон халқидир мангу мададкор!

1945

ҚАЙТИШ

Поезд жилди...

Жанговар дўстлар
Бирдамликда силкитишиб қўл,
«Хат ёзиб тур!», «Унутма!» дея
Чин кўнгилдан тилашди оқ йўл.
...Поезд учар,

бепоеён ўтлоқ,
Экинзорлар, боғларни кесиб;
Атлас ўрмон, ўркачи оппоқ —
Қорли, баланд тоғларни кесиб.
Деразадан кўринар яққол
Хур ўлканинг фойзли ерлари.
Вагон тўла хушчақчақ, ҳушҳол
Суҳбатлашар Ватан шерлари.
Ўтиради Аҳмад ёнма-ён
Қуrolдошлар, сафдошлар билан:
Қозоқ, туркман, рус, озарбайжон,
Тожиқ, қирғиз — қардошлар билан.
У эслади полкни...

Келганда —
«Танкистман» деб севинчи тошди.
Қаршисида зўр танк турганда,
Ҳадиксираб аста ёндошди:
— Ўҳ-ҳў... шундай азамат танкнинг
Рулин бураш келарми қўлдан?
Ҳазилмас, бу пўлат қалъани

Эплаб ҳайдаш нотекис йўлдан.
Кунлар ўтди, ҳафталар, ойлар..
Танк рулини бурди Аҳмаджон,
Писанд бўлмай паст-баланд жойлар,
Пўлат отин сурди Аҳмаджон.
...Комбизнесонда тураркан сафда,
Юз-кўзида жилваланиб нур,
Машгулотда биринчи марта
Командирдан олди ташаккур.
Кўз ўнгидан кетмайди нари:
Ҳар кунги машқ, жанговар пости,
Қатъий тартиб, интизом — бари
Чиниқтирди, онги ҳам ўсди.
Хаёлини фикр-туйғулар
Чирмовиқдай чулғар кетма-кет.
Иқбол баргин ёзди орзулар,
Чўнтагида қизил партбилет.
Армияинг таълимин олиб,
Уқув-дидли эр йигит бўлди.
Машаққатни енгучи, ғолиб,
Иродали шер йигит бўлди.
Энди қайтар ўз қишлоғига,
Уни кутар азиз колхоз.
Эшитилар жон қулоғига
Тракторнинг янгроқ овози.
Ҳадиксираб ўтирмас энди
Тракторга келса ёнма-ён.
Машинани чавандоз энди,
Рули бураб ҳайдар ўша он!..
Поезд учар... Аҳмад хаёлан
Кенг далада кезади мағрур.
Тракторга меҳр-ла қараб,
Ўз қалбида сезади ҳузур.

1946

ОҚ ҚАЙИН

Ёлғиз тепаликда бир туп оқ қайин
Қабр узра бош эгар ва ташлар соя.
Кумуш япроқлари шивирлаб майин,
Мард солдат ҳақида сўзлар ҳикоя:
«У жанг қилди кунни кун демай,
У жанг қилди тунни тун демай.
У жанг қилди бамисли арслон,
У жанг қилди дея қонга қон!
Уқ ёғдирди гоҳ пулемётдан,
Мина отди гоҳ миномётдан.
Автомат ҳам сайради гоҳи,
Ёлғиз ўзим эдим ҳамроҳи.
Якка ўзи ҳафта жанг қилди.
Ёв зотини ҳангу манг қилди.
Чекинмади, санчди душманни,
Енгилмади, янчди душманни.
Бу довюрак, навқирон йигит,
Навқиронки, паҳлавон йигит
Шарқдан эди — Ўзбекистондан,
Шуълага ғарқ боғи — бўстондан.
У жанг қилди, токи танда жон,
Қолгунича сўнгги қатра қон!
Ололмади тепаликни ёв,
Йигит эди офат беаёв!
Келганида орқадан мадад,
Йигит кўзин юмганди абад.

Дўстлар таъзим қилди эгиб бош
Ва қабрига қўйиб кетди тош.
Кўп йил ўтди ўшандан буён,
Аммо, ўлмас экан қаҳрамон.
Ешу қари келишиб бунда,
Мардлигидан сўзлашар кунда».
Қаҳрамон қабрига кекса оқ қайин
(У ҳам яраланган) ташлайди соя —
Кумуш япроқлари шивирлаб майин
Мард солдат ҳақида сўзлар ҳикоя.

1969

ОЙНАДАН УПКЛАМА

Х У Ж А

Аҳмадхўжа билан Раҳимжонхўжа
Ешлигидан бирга ичарди гўжа.
Болсуханди суҳбат чоғи икки тил,
Эшилгапди арқон каби икки дил.
Аҳмадхўжанинг бор эди бир қизи,
Юзи—ой, кўзлари — осмон юлдузи.
Уқир эди хўжа қизи бир ВУЗда,
«Узатаман,— дерди ота,— шу кузда».
Раҳимхўжа оғиз солиб турарди,
Қизни кўрса «келиним» деб юрарди.

Бир кун келиб, бўлмиш қуда қошига,
Тушган каби оғир мушкул бошига,
Гап бошлади:— Хўжа, кузга анча бор,
Шу ҳафтада тўйни ўтказмоқ даркор.
Чунки, ўғлим авом қизга учибди,
Қизга «сенсиз ҳаёт менга пуч», дебди,
Яъни фуқародан қаллиғ олармиш,
Хўжа деган номга у доғ солармиш.
Аҳмадхўжа турқи зумда ўзгарди,
«Фуқаромиш, товба!» дея бўзарди:
— Ошна, бош оғритманг, кўнгил бўлсин тўқ,
Сизга берадиган менинг қизим йўқ!
Остонамга қадам босманг, бас, хўжа,
Қадамингиз келтирар шикаст, хўжа!
— Ҳе, шундайми ҳали, лўнда сўзингиз?

Бошингизда қолсин тантиқ қизингиз!
Ўғлимизга топилади бўлак зот,
Ё фуқаро, ё хўжадан — паризод!..

Икки хўжа оғзаки жанг қилишди,
Шамшир бўлиб бир-бирларин тилишди...
Аммо, ёшлар одам зотин айирмас,
Кўнгли мойил бўлса — шунинг ўзи бас!

1950

ОЛМА БИЛАН ТЕРАК

Олма билан терак ўсмиш ёнма-ён.
Аммо камситаркан терак олмани:
— Оёғим остида хорсан нотавон,
Қара, осмондаман, кўрмайсан мани.
Қисматни қарангки олма севилиб,
Оқибат эл ичра афсона бўлмиш.
Терак эса, болта билан кесилиб,
Оқибат бир умр остона бўлмиш.

1967

ҲАЛОКАТ

Қуёш ботар эди оҳиста сўниб...
Сув узра эгилган гумайга қўниб,
Чигиртка бетиним чириллади кўп,
«Тартарагин» чалиб тириллади хўп:
«Чумоли сакрашнинг завқи на, билмас,
Биз каби чириллаш шавқи на билмас.
Умри ерда ўтар, кавакда ўтар,
Ёз бўйи хас-чўпни ортмоқлаб йўртар.
Юк ташиш — ҳаммоллик кўҳна одати,
Тер тўкади, аммо йўқ фарогати...
Нима маъни топди бундай ҳаётдан?
Ва нима фарқи бор эшакдан, отдан?..»

Чигиртка гердайиб хўрозга монанд,
Яна кўтарилди бир қарич баланд:

«Капалак лақиллаб учгани учган,
Гул кўриб қолса бас, қучгани қучган,
Гулнинг нимаси бор тикандан бўлак?
На мунча шайдойи гулга капалак?
Гул ёки озиқми, тўйдирар қорин?
Ўзгартса бўларди ўз касбу қорин.
Лапанглаб учиши хунукдан хунук:
Гоҳ олчи,

Гоҳ чикка,

Гоҳ товва,

Гоҳ пук»,

Ноинсоф чигиртка чириллайверди,
Қоронғу соҳилда тириллайверди.
Ҳаммани бирма-бир қоралади у,
Қоралаб, дилларни яралади у.
Сўнг боши айланиб йиқилди паққа
Ва ютиб юборди уни бир лаққа.

Қиссадан ҳисса шул:

 ҳаётда ҳам бор
Ўзгани чалпувчи пасткаш ва беор.
Бундайлар қисмати аниқ ва тайин:
Пашшадай йўқолиб борар кун сайин.

1969

Имонсизнинг ҳадиги кўпдан дерлар,
Иштонсизнинг ҳадиги чўпдан дерлар.
Бир одам бор, ҳадиксиз яшолмайди,
Ҳадик қилмай қадамин ташолмайди.

Инонмайди бировга, ўзига ҳам,
Инонмайди ўзининг кўзига ҳам:
Ола мушук кўринар—қора бўлиб,
Қора мушук кўринар—ола бўлиб.

Биров узоқ тикилса — ёвми дейди,
Оқшом шарпани кўрса—говми дейди.
Иллат бўлмаган жойдан иллат излар,
Бидъат бўлмаган жойдан бидъат излар.

Йигитликда бул одам жўмард эди,
Белда белбоғи билан кўп мард эди.
Минг афсуски, ҳадик уни соб этди,
Қариганда куйдириб кабоб этди.

1969

ОШНАМ ЙҶҶОЛДИ

Аввалига «юзта»дан,
Кейин «икки юзта»дан
Отибмиз хўроз бўлиб,
Гердаишиб ғоз бўлиб.
Улчов билмай, кўп ичиб,
Ғийбатдан кафан бичиб,
Сўз охорин тўкишиб...
Оғиз-бурун ўпишиб,
Қулоқ бўлиб кар,
Кўз кўр,
Ўриндан туриб базўр,
Тун бўйи гандираклаб,
Кезибмиз сандираклаб.

Менку устим лой бўлиб,
Ҳамда қорамой бўлиб,
Тўрт оёқлаб кетибман,
Аранг уйга етибман.
Аммо, ошнам йўқолиб,
Билмам, қай гўрда қолиб,
Бормабди уйига ҳам,
Эшитдим у босди ғам.

Бир вақт келди хотини,
Миниб жанжал отини:
— Эрим қани, ҳой йигит,

Нотанти, ғумой йигит?
Бирга ичнб, кайф қилиб,
Пулларином тамом шилиб,
Қаерда қолдирдингиз?—
Деди қўллари бигиз.
Жавоб қилдим:— Янгажон,
Билиб айтинг ҳар қачон.
Эрингиз анойимас,
Тийини зое кетмас.
Шилдирмайди, шилади,
Шилиш йўлини билади.
Ғафим чиндир, янгажон,
Туҳмат қилманг ҳеч қачон!..

Вайсаб-вайсаб кетди у,
Қўнгилга солиб гулу.
Сўнг ўйладим: «Во ажаб,
Қаерда қолди Ражаб?!»

Қунолар ўтди қун қувиб,
Чиқди янги ой туғиб.
Ражаб келди нржайиб,
Чўпдай озиб, тиржайиб:
— Ҳушёрхонада эдим,
Роса таъзим едим.
Супурги бериб қўлга,
Чиқарди катта йўлга.
Унбеш қун ётиб унда,
Қўча супурдим қунда...
— Ажаб бўбди, — дедим, — бор,
Мени эслама такрор!

Дўстлик топиб ниҳоя,
Ёзилди шу ҳикоя.
Чанги, ғубори қолди,
Қўнгилда қори қолди.

1971

Аста кўтарилди пастдан юқори,
Дўстлар суюдилар, қўлтиқладилар.
Тезда ортди обрў ва эътибори,
Дўстлар омад ҳамда бахт тиладилар.

Лекин,

Ойлар ўтгач ойларни қувиб,
Атрофин ўради хушомадгўйлар.
Ҳатто келтирдилар калишин ювиб,
Усиз ўтмай қолди зиёфат, тўйлар...

Дўстлар узоқлашиб кетдилар кам-кам,
Тўда лаганбардор бўлди ҳамтовоқ.
Босар-тусарини билолмай, ошнам,
Калла деб кўтариб юрди хом қовоқ.

Оқибат, озми-кўп суриб у даврон,
Сўнгги поғонада қоқилиб кетди:
Креслодан ўзи билмай, ногихон —
Шампан пўкагидай отилиб кетди.

1972

ДОСТОНЛАР

НАЙ НАВОСИ

(Эрон халқ афсонаси)

Кездим Эрон хиёбонида,
Тоғларида, биёбонида.
Қанча-қанча қўшиқ тингладим,
Гоҳ севиниб, гоҳи йигладим.
Аммо бир ишқ қўшиғи, қалбим —
Мафтун этмиш билоннҳоя.
Гар эсласам ўртанар бағрим,
Тингланг дўстлар, қилай ҳикоя.

* * *

Мунча дилгир,
Мунча дилрабо
Субҳидамда янграган наво.
Сўзла, Ҳабиб, сўзла мен тинглай,
Тоғ кўксида ким чалади, най?
Жон қулогим билан тингладим,
Тингладиму ногоҳ англадим:
Наво эди дардли, аламли,
Наво эди фиғоли, ғамли.
Бу навода бор эди минг ашк,
Бу навода бор эди минг рашк.
Сўзла, Ҳабиб, сўзла, мен тинглай,
Субҳидамда ким чалади най?
Ҳабиб деди, эшит, эй ўғлон,
Бу воқеа бутун бир достон.
Бундан минг йил муқаддам ғариб —

Чўпон ўтган,
 ўтган най чалиб.
Чўпон эди гўзал ва дониш,
Агар қилса найда у хониш
Жами қушлар соларди қулоқ,
Ҳатто жимиб тингларди булоқ.
Шаббода ҳам эсишдан тўхтаб,
Япроқларга қўяр эди лаб.
Чўл бўларди бир зумда бўстон
Бўстон эса чандон гулистон.
Мумдай эриб кетарди тош ҳам,
Маст бўларди қари ҳам, ёш ҳам.
Гар эшитса бемору бетоб,
Дарддан фориг бўлиб ўша тоб,
Тўшагидан туриб кетарди,
Ўйнаб-ўйнаб юриб кетарди.
Ҳаётбахшди бу куй, бу наво,
Эзгуликни кўрарди раво.
Кейин куйлай бошлади ғамни,
Қабоҳатни, қонли аламни,
Сабабини айлайин баён,
Қулоқ солиб тинглагин ўғлон.

Тонг оқариб,
Сўнганда чўлпон,
Отар ҳайдаб чувринди чўпон,
Найин булбул каби сайратиб,
Кўнгилларни қўзғаб, яйратиб,
Ўтар эди хон даргоҳидан,
Хоннинг ёзги боғ-равогидан.
Гоҳ харсангга ўлтириб чўпон,
Янгратарди навони чунон.
Мафтун бўлиб ясовуллар ҳам,
Қанизагу баковуллар ҳам,
Санъатига тан бериб, зинҳор —
Беришмасди чўпонга озор.

Шу зайлда ўтди ҳафта, ой,
Беҳабарди чўпон ҳойнаҳой,
Хонянинг ўзи сафарда эди,
Хонзолалар шаҳарда эли.
Ёзги богда қирқ қизлар билан,
Гул орази қирмизлар билан
Гўзалликда тенгсиз малика
Истиқомат қиларди якка.
Кундўз тинглаб най садосини
Кун боттирар эди хон қизи.
Тунда қўмсаб най навосини,
Тонг оттирар эди хон қизи.
Чўпон олиб қўйганди тамом
Маликанинг эсу ҳушини,
Ҳушин олиб сўнг этганди ром
Маликанинг севги қушини.
Чўпон эса бундан беҳабар,
Ўтарди най чалиб ҳар сафар.

Ўлтирарди аркда хон қизи,
Қирқ қиз ичра якто хон қизи.
Чўпон эса найин сайратиб,
Нозик пардаларда янгротиб,
Келар эди асти қадамлаб.
Сурув-сурув қўйларин ҳайдаб.
Рўпарага етганда чўпон
Малика гул отди ноғиҳон.
Чўпон қизга «ялт» этиб боқиб.
Қалбда баттар ншқ ўтин ёқиб:
Таъзим қилди зўр одоб билан,
Учрашгандай офтоб билан.
Гулни эса ҳидлаб, авайлаб,
Ҳар баргига қўйиб бир-бир лаб,
Чеккасига тақиб қўйди-да,
Маликага боқиб қўйди-да,
Сўнгра найин яна сайратиб,

Кўнгилларни ёзиб, яйратиб
Одим ташлаб дадил ва равон,
Кўздан ғойиб бўлди ёш чўпон.
Давом этгач ҳар кун шу аҳвол,
Чўпон бўлиб ҳижолат ва лол,
Найни чалди, чалди янгротиб,
Ўз фикрини қизга англатиб:
«О, маликам, рухсори офтоб,
Нечун керак сенга бу азоб?
Сен — хон бўлсанг, мен эса — гадо,
Севишмоқлик бизга нораво.
Ўзинг ўйла, азиз маликам,
Тенг эмасман мен сенга ҳечам.
Ўт-оловга ўзингни отма,
Ғам-гуссага бир умр ботма.
Бу замона хонлар замони,
Ғариблар-чун хазин ҳар они.
Бу ишқ сени этади адо,
Айт, қовушган қачон шоҳ-гадо?!»

Қиз ҳам олиб қўлга торини,
Баёт этди дил асрорини:
«Чарақлаган минг-минглаб юлдуз
Шуъла бермас, бергандай офтоб
Ва этмагай тунни ҳеч кундуз,
Токи порлаб боқмагай офтоб.
Кўнгил ҳам шу, ўз офтобинини
Топмагунча ёришмас асло.
Варақласа дил китобинини,
Нима фарқдир шоҳми ё гадо?»

Яна найни сайратди чўпон,
Дилни эзиб англатди чўпон:
«О, маликам, айтай не жавоб,
Бағрим ёниб кавобман кавоб.
Қуёш ғарбдан чиқарми ҳеч вақт?

Дарё терсга оқарми ҳеч вақт?
Ер осмонга чиқиб ҳеч қачон,
Осмон ерга тушарми ҳеч он?
Кошки бизга кулсайди иқбол
Ва мушарраф бўлсайди висол.
Бу туш каби пуч бир хаёлдир,
Қовушмоқлик бизга маҳолдир».

Малика ҳам янгротиб тории,
Изҳор этди аҳду қарорин:
«Эр йиғитсан — билдман яхсин.
Шер йиғитсан — кўнглимпинг нақши.
Ғарибман, деб ўкинма ҳечам,
Ғарибман, деб чўкинма ҳечам.
Тоғ бургути янглиғ ёз қанот,
Шубҳаларни улоқтир ва от.
Сени дедим, дегайман абад
Ва орзумга етгайман албат».
Найни чунон янгротиб чўпон,
Юрак дардин айлади баён:
«О, диловар гўзал маликам,
Сен-ла қалбим ҳамиша кўклам.
Майли менга занжир солсин ғам,
Тилкаласин қалбимни алам,
Сени дея найни сайратгум,
Кўнгилларни ёзиб, яйратгум.
Саҳроларни этгум бог-бўстон
Бўстонларни чандон гулистон.
Мангу қийғос очилсин гуллар,
Хониш қилсин саъва, булбуллар».

Ҳабиб ўйга чўмди-да бир дам,
Тингла, деди бу ёғин, бўтам:
Ошиқ-маъшуқ икки ёш юрак
Севгисидан хон топиб дарак,
Вазирига буюрди: «Дарҳол

Келтирилсин бу ерга баттол!»
Келтирилди чўпон бечора,
Келтирилди кўнгли садпора.
Чўпон хонга қилмади таъзим,
Ҳатто хонга солмади разм.
Найин қўлга олди-да аста,
Куйни куйга этди пайваста:
Армон билан, завқ билан чалди,
Афғон билан, шавқ билан чалди.
Боғлар бўйлаб янгради наво,
Тоғлар бўйлаб янгради наво.
Тошлар мумдай эриб кетса ҳам,
Эримадн хон кўнгли ҳечам!
Кўзларида қуюқлашиб қон,
«Жаллод!»— деди ғазаб билан хон.
Фарёд уриб шў чоқ малика,
Оёғига йиқилиб мукка,
«Ўлдирманг!..»— деб қилди илтижо,
Кўз ёш тўкиб дарё ва дарё.

Аммо қонхўр ва бераҳм хон,
Гар бир марта бердими фармон,
Қайтмас эди сўзидан асло.
Эттирарди ўз ҳукмин ижро.
Жаллод қатл этди чўпонни,
Қатл этди ажиб инсонни,
Қатл этди найни, навони,
Бир бегуноҳ ғариб шайдони.
Киз чинқириб қалқди оёққа,
Нафрат билан боқди хон ёққа.
Сўнг рароқни тарк айлади у.
Калбин ўртаб алам ва қайғу.
Нола қилиб, йиғлаб малика
Борар экан Шахворга тикка
Гуллар унга поёндоз бўлди.
Қушлар ҳамлард, жўровоз бўлди.

Ҳамдард бўлди ер ҳамда осмон,
Ҳамдард бўлди жумлаи жаҳон.
Гумбурлади момақалди роқ,
Тоғ ёрилиб очилди шу чоқ.
Ва хон қизин қучди-да ногоҳ
Ўз аслига қайтди тоғ, эвоҳ!
Ҳабиб деди:— Ўшандан буён
Ўтса ҳамки минг йиллик замон,
Малика ҳам чўпонни ёдлаб,
Най чалинар ҳар тонг саҳарлаб.
Най навоси дардли, аламли,
Най навоси фиғонли, ғамли,
Бу ҳазин сас, тугаб қабоҳат,
Боқмагунча элга саодат,
Янграйверар ҳар шому саҳар,
Янги қудрат билан ҳар сафар!

* * *

Гоҳи дилгир,
Гоҳи дилрабо
Ҳар субҳидам янграйди наво...

1966

КАПИТАН УҒЛИ

(Д о с т о н)

«Сой бўлдиму мавж уролмадим,
Тиниб қолди жўшқин шалола.
Қўл чўздиму лек ололмадим,
Ёниб қолди соҳилда лола.

Умр бўйи турмай,
Йиқилиб,
Майли қусай лаҳта-лаҳта қон:
Мозоримга зиёрат қилиб
Бир бор боринг, тарк этганда жон.

Илтижо шу.
Гар ўғил туғсам
«Рустам» дея атагум.
Санам».

* * *

Поезд учар,
Кезиб Абайнинг
Фикри янглиғ чексиз ўлкани:
Кезиб дониш Жамбул Жабайнинг
Шеъри янглиғ тенгсиз ўлкани.
Поезд учар,
Кезиб улуг рус
Урмонлари,
ўглоқларини:

Асло тушмас бошига соя.
Агар учиб ўтмаса лочин.

* * *

Тик ўнгурда турар мардона,
Норғул йигит — Ватан посбони.
Унга таъзим қилар пўртана,
Таъзим қилар қишининг бўрони.
Таъзим қилар ёз жазираси,
Осмонўпар баланд тоғ-тош ҳам.
Таъзим қилар Чайлан дараси,
Чўққи оша боққан қуёш ҳам.
Қўзга қўйиб дурбинини у,
Кузатади денгиз, осмонни.
Қанот қоқса пайқайди оққу,
Пайқайди у «қилт» өтган жонни.

* * *

— Тревога!!!
Застава зумда
Қўтарилди,
Қалқди оёққа:
Посбонлар туманли тунда
Ўзин ўқдай отди қиргоққа.
Қўл келарди маккорга туман,
Ўрмаларди аста ва огоҳ.
Олддан чиқиб Рустам ва Иван,
Илк отишма бошланди ногоҳ.
— Тўхта!
— Қўтар қўлингни, олчоқ!..
Ғойиб бўлди туманда малъун.
Емонга ёв бўлгандай иноқ,
Хомий эди унга қора тун.
Қочмасин деб денгизга душман,

Ўт очилди қўш пулемётдан,
Тўзғигандай бўларди туман,
Ҳар томонда чақнаган ўтдан.
Отишмада, тўполон чоғи,
«Оҳ!..» дедию бир қалқди Рустам.
Пайқаб, тезда Иван ўртоғи
Суяб қолди Рустамни шу дам.

.

* * *

Иван хафа,
Ивандир ғамнок.
Бошин қайга урарин билмас.
Рустамжондай мард ва қалби пок
Дўсти оғир ётса ҳазилмас.
Ҳозир қайтди госпиталдан у,
Аниқ бир гап айтмади врач.
Шу ваядандир Иван серқайгу,
Қайғуради ахир дўст бўлгач.
Ўтди роса икки кун,

Рустам

Қимирламай ётади беҳуш.
Алаҳлар ҳам инграр дам-бадам,
Қўраётган каби гўё туш.
Ўлим билан олишнб солдат
Минг қийноққа беролди бардош
Ўлим билан солишиб солдат,
Бешинчи кун отди унга тош.
Қўзин очиб кўрди:

Енида —

Ўлтирарди мунис ҳамшира.
Шодлигидан меҳрибон дийда
Тиёлмасди ашкени сира...
Заставага қилди у хабар:
Келди дея ҳушига бемор.
Қувонишди қуролдош дўстлар,

Иван эса қувонди минг бор.
У шамолдек елиб сарсари,
Командирдан олдию рухсат,
Шу ондаёқ ўтказмай фурсат,
Чопа кетди госпитал сари...

Тасвирига тилимдир ожиз
Икки дўстнинг соғинч боқишин;
Кўз кўздаю нигоҳлар чексиз
Самимият ўтин ёқишин...

— Ушландими?

— Иккаласи ҳам!

Савол-жавоб шу бўлди холос.
Енгил тортиб жилмайди Рустам,
Кўзларида порлаб эҳтирос.

— Сенга салом айтди Диана,
У ҳам сендан хавотир, диққат.
Кеча кўрган эдим, роستانам,
Сенга атаб берувди бир хат.

«Салом, Рустам!

Бардам бўл, бардам.

Мардга мардлик, дейдилар, ошна.

Иродани маҳкам қил, маҳкам.

Сенга соғлиқ тилаб

Диана».

Дил осмони ёришиб Иван
Госпиталдан чиқди, беҳад шод:
Гўё эди атрофи чаман,
Олам эса, гўзал ва обод!

2

Рустам қайтди сафга, қалби чоғ.
Қарши олди дўстлари хушнуд.
Фақат қолди ўнг кифтида доғ,
Тани-жони эди соғлом, бут.
Соғинганди у ўз постини,

Соғинганди шаршарани ҳам.
Соғинганди Иван, дўстини,
Соғинганди тоғ, даранн ҳам.
Соғинганди соҳилда туриб,
Тўлқинларга боқишни узоқ.
Соғинганди соҳилда юриб,
Ўй солида оқишни узоқ.
Соғинганди самода минглаб,
Чайкаларнинг ўйнаб учишин.
Соғинганди сабони тинглаб,
Қалби жўшиб, илҳом қучишин.
Соғинганди Санамхон билан
Хаёлида сирли суҳбатни.
Ва ўқишни ҳаяжон билан —
Такрор-такрор у ёзган хатни...

3

Осмон сайрин тарк этиб офтоб
Киприк юмиб хайрлашган дам,
Елкасида карабин, шитоб —
Қайтар экан постидан Рустам,
«Семга» дея беришди мактуб,
Ўсган юрти — Фарғонасидан.
Қандай қувонч,
Шунча зор кутиб,
Хат олди у жононасидан.
Шу ердаёқ очдию,

ҳайҳот...

Бор вужуди зирқираб кетди.
Ўқ еганда солмаганди дод,
Бу гал кўз ёш тирқираб кетди.
«Ой бўлдим у таролмадим нур,
Юзим тўсди бедаво булут.
Қисматимдир ёнмоқ бир умр,
Ёнмоқ бору аммо йўқ, унут...»

Наҳот шундай?
Наҳотки Санам
Соф севгини айласа поймол?
Раво кўриб қалбимга ситам,
Наҳот қаддим букиб этса дол?!
Наҳотки мен кўз тутган ҳилол
Чеҳрасини беркитди зулмат!
Наҳотки у соҳиби жамол
Ошиғига қилди хиёнат!
Наҳот ўша
«Она орзуси»
Минг ошиқни йиғлатган азоб...
Қачонгача бу зулм оғуси
Давом этар
Даврон, бер жавоб!
Ҳужум қилса гар юртга душман,
Еки хоин бузса сарҳадни,
Яксон этиш мумкин беомон
Ва қайтариш мумкин офатни.
Аммо, этиб бўларми тор-мор
Дил ўғрисин — севги ёвларин?
Айтинг, кимда қандай қудрат бор,
Янчмоқликка толе говларин?!
Ҳайҳот!..
Ўзин отди вшикка,
Билмас эди нима қиларин.
Соҳил сари бораркан тикка
Эслаб кетди висол дамларин:
Сой бўйида кезишиб бирга,
Қўлни қўлга беришган эди.
Кўклам чоғи чиқишиб қирга,
Гул-лолалар теришган эди.
Анорзорда беркиниб Санам,
Топиб олинг Рустамжон, девди.
Анжирзорда беркиниб Рустам
Топиб олинг Санамхон, девди.

Бахтиёрди висол чоғлари
Икки юрак — қўшалоқ гулдай.
Энди эса, алам-доғлари
Рустам ўйин совурди кулдай.
Қўзларида йўқди қатра нам,
Аммо, қалби йиғларди чунон.
Бевафолик йигитларни ҳам
Йиғлатадп, ўқувчим, инон!

4

.
Эслаб ўша туманли тунни,
Подполковник гапирди ихчам:
— Унутмаймиз ҳеч вақт у кунни,
Унутмаймиз мардлар, сизни ҳам.
Отрядда қилинди сўроқ:
Улар экан ашаддий жосус.
Қўпориш ва солиш-чун нифоқ,
Юборилган чет элдан махсус.
Сўнгра бир-бир мардларни қутлаб,
Изҳор қилди ялпи ташаккур.
Қўкрагиди медаллар порлаб,
Довюраклар турарди мағрур

* * *

Подполковник эътиборини
Тортган эди яна Рустамжон.
Ҳарчанд чертсин ақл торини,
Эслолмасди, ўйларди ҳамон:
Қайда кўрган?..

Қай маҳал?..

Қачон?..

Ухшатсаю яқин одамга,
Эслолмаса!
Бунча паришон

Бўлган эмас келиб оламга!
«Чақир ўзин!» амр этди юрак..
Чақиришди Рустамни дарҳол.
Кор-касбдан сўзлашиб андак,
Сўнг кетма-кет ташлади савол.

— Қаерликсан?

— Фарғоналикман.

— Ота-онанг борми?

— Онам бор.

Отам экан комбат-капитан,
Ҳалок бўлган урушда, сардор.

— Қаерда жанг қилган?

— Қримда.

Рюгзагимда бор кичик расми.

— Таниш чиқдик биз назаримда,

Отанг — Саид Қарим эмасми?

— ...

Тиззасига «шап» этиб уриб,
Подполковник «ваҳ» деди хуррам.

Ва ўрнидан кетди-да туриб,

Қисди Рустам қўлини маҳкам:

— Қаердадир кўргандай бўлиб,

Хит бўламан эслолмай сира.

Дейман баъзан ғуссага тўлиб:

«Наҳот тортган хотирам хира?..»

Отангга сен ўхшайсан беҳад.

Гап бу ёқда экан... э, балли!..

Учрашувдан мамнунман ғоят,

Кўнгил топди энди тасалли!..

Тинглар эди Рустам лом демай

Ҳам ҳайратда, ҳам ҳаяжонда.

Подполковник сўзларди тинмай

Икки кўзи дара томонда:

Қара анов тепага, Рустам,

Кўраяпсанми, ҳу якка чинор...

Шу тепалик мен сенга айтсам,
Қўлдан қўлга ўтди неча бор.
Ёвни қирдик эҳ-ҳе неча ой,
Тили бўлса айтсин шу дара.
Қонга тўлиб кетди ўнгур, сой,
Қирмиз бўлиб оқди шаршара.
Отанг эди баҳодир одам,
Бамисоли Чайлан бургути.
Ишга солса тўпларин, шу дам —
Учар эди душманнинг қути.
Жанг борарди, жуда катта жанг,
Шу кун унга ўқ тегди ногоҳ.
Уч-тўрт қадам юрди-да, даданг,
Бир силкиниб йиқилди, эвоҳ..

Землянкада яшардик бирга.
Жанг пайтлари эдик ёнма-ён.
Уруш барвақт элтди қабрга,
Юрагида мўл эди армон.
Ўғлим бор, деб сезиниб, яйраб,
Сени тилдан қўймас эди ҳеч.
Окопда ҳам баъзида эслаб,
Номинг айтиб қўймас эди ҳеч.
Йигирма йил ўтибди, у чоқ —
Иккимиз ҳам эдик капитан.
Даданг учун, кел, очиб қучоқ,
Қўришайлик қайтадан, жиян!

5

Оқшом қайтди соҳилдан Рустам,
Ўйчан қайтди Иван-ла икков.
Сабабини сезиб дўсти ҳам,
Атай сўзга бермади жилов.
Ишқ кемаси гарқ бўлиб буткул,
Дилин банди этганда фироқ,

Шўх Диана унга тутиб гул,
Еққан эди қалбида чироқ.
Буни ўзи сезмасди ҳали,
Дил қувончи холос эди бу.
Ишқ боғида кезмасди ҳали,
Фақат эди ширин бир туйғу.

Борбон учун ниҳол унса бас,
Парваришлаб олади ҳосил.
Ишқ ҳам ниҳол,
Эмасди ҳавас,
Барг ёзади бағишланса дил.

* * *

О, Диана, о, жануб қизи,
Гулларингдай дилинг ҳам тоза.
Хаёлимда сен тонг юлдузи,
Иқболингга очай дарбоза.
Сенга Рустам эмасдир бефарқ,
Кўз ўнгида жамолинг турар.
Бир томчи ёш уни этмиш фарқ,
Кўз ўнгида камолинг турар:
Боқишларинг ғамзадор,
Илиқ —

Хаёлида,
Ўйида сенсан.
Рухсорингни кўради тиниқ —
Қалб булоғин бўйида сенсан.
У ўйлайди Диана, сени,
Бўй-бастингдан узолмай нигоҳ:
«Наҳот менн севади, мени...
О, шаҳло кўз,
О, юзлари моҳ?
Наҳот мен ҳам шу қизга шайдо?..

Мумкиндир-ку севилмоқ,
Бироқ —
Иккинчи бор мумкинми севмоқ?..
Йўқ, йўқ! Мумкин эмасдир асло!..
Рустам этиб ўзини таҳрир,
Ўз ҳолига ўзи эди лол:
«Бу мумкинмас!
Мумкинмас!

Ахир —
Само битта ва битта ҳилол!
Муҳаббат ҳам шунинг сингари,
У бир марта қулф урар дилда.
Севги кезмас елдай сарсари,
Янгиланмас баҳордай йилда!..
Йўқса нега тинчимни олди?
Нега хаёл — мени қўймай тек,
Бол излаган асаларидек
Шу гул узра айланиб қолди?..»

6

Гумбур-гумбур момақалди роқ,
Туни билан чақнаган чақмоқ
Тонгда тинди,
Тинди пўртана,
Байрам тонги қилди тантана-!..
Еру осмон эди дилрабо,
Атлас кўйлак киймнш дала, қир.
Гуллар бўйин уфуриб сабо,
Бўса олиб эсарди гир-ғир.
Посбонлар эди хуррам-шод,
Ушбу айём — Ғалаба куни.
Заставадан қоқарди қанот,
Қўшиқларнинг оромбахш уни.
Қўшиқларки, улуғлар халқин,
Улуғларди Ватанин, бахтни.

Улуғларди жаҳонга ёлқин —
Москвани, гўзал пойтахтни.
Улуғларди нотинч, беуйқу
Постда ҳушёр посбонларни ҳам.
Шарафларди тарихда мангу
Тирик қолган қурбонларни ҳам.
Шарафларди, олқарди минглаб —
Зояларни, Эрайигитларни.
Шарафларди, гимндай янграб,
Мард қизларни, шер йигитларни...

Учар «Газик» денгиз ёқалаб,
Подполковник ўй суради жим.
Ўй суради тоғларга қараб,
Жанг йилларин эслайди балким.
Валким...
Ҳайрон ўлтирар Рустам,
Қайга борар, билмайин зинҳор.
Важин айтмай подполковник ҳам:
«Машинага чиқ, — деди, — шунқор!»
«Газик» тўхтаб,
Мозор бошида —
Тушиб улар юрди ичкари.
Номлар... номлар... қабр тошида,
Нақш-ла ўйиб ёзилмиш бари.
Бунда мардлар ётади ухлаб,
Абад олмиш қўйнига уйқу..
Подполковник Рустамни чорлаб:
— Отанг қабри, — деди, — мана шу!..
Гўё борлиқ силкиниб кетди,
Чарақлади кўз ўнги шу чоқ.
Тўтиёдек туюлиб кетди
Ота ётган хокисор тупроқ.
Ташландию оғушлаб олди,
Усти гулзор падар қабрини.

Ташландию ва қулоқ солди,
Совуқ тошга босиб бағрини.
Ун чиқмади.
Чиқмади овоз,
Кўзларига жиққа тўлди ёш.
Бағрин бериб ётди шу алфоз,
Қўйиб ота мазорига бош.
— Ота!..
Бу сўз улуғ нақадар,
Чўққилар ҳам унга чўкар тиз.
Ота — азиз,
Ота — мўътабар,
Қадрин билмас фақат отасиз.
Ўргатади боғ яратишни.
Ота ўгли бўлмоқ фахрдир.
Ўргатади минг ҳунар — ишни,
Ота ақли улкан нахрдир.
Довюраклик, жасорат, ҳурмат
Азалият ота меросдир.
Инсонийлик, софлик ва ҳиммат —
Ота ўгли бўлганга хосдир.
Қамситмайман онани асло:
Она қалби гўё бир жаҳон.
Она — азиз,
Онадан аъло,
Она билан баркамол инсон.
Она билан қалбинг доим шод,
Ҳаёт — гўзал,
Кўркемдир олам.
Ота билан мушкулинг кушод,
Ота билан ўктамдир одам.
Иккиси ҳам бебаҳо, ноёб,
Иккисининг ўз хислати бор.
Бири бўлса — Ой,
Бири — Офтоб,
Иккисининг ўз ҳикмати бор.

Рустам турди,
 Турди оҳиста.
 Димоғида сизди гул бўйин.
 Бу гулларни эккан фаришта
 Чулғаб олди хаёлин — ўйин:
 «Дадам қабрин этибсан гулзор,
 Балки, ўзинг билмассан бунни,
 О, Диана, қалби гул дилдор,
 Гулларингнинг бўлдим мафтуни...»
 Бир қисим хок олди қабрдан
 Ва кафтини ёзди у бебок.
 Хаёлида жонланиб бирдан,
 Юрак бўлиб сўзлай кетди хок:
 «Муқаддасдир она-Ватанинг,
 Муқаддасдир мисқол тупроғи.
 Муқаддасдир боғинг, чаманинг,
 Муқаддасдир ҳатто япроғи.
 Ватанни сев, ардоқла, ўғлим,
 Эрк ва бахтим бўлсин десанг ёр,
 Ватанингдир гўзал ва сўлим,
 Босқинчидан қўриқла ҳушёр!
 Бериб қўйсанг,
 Билиб қўй,
 Асло —
 Кечирмайди келажак авлод!
 Ватан учун этдик жон фидо,
 Қурбонларни эсла ва ёт эд.»
 Рустам қалби тепиб исёнкор,
 Ҳайқиради шер каби чунон:
 Бас! Урушга чек қўйинг, зинхор,
 Туғилганмас жанг учун инсон!

7

Қанча сувлар оқди чалиб най,
 Қанча ёмғир ёғди,
 Ёғди қор.

Тутиб лола пиёлада май,
Атир пуркаб келди навбақор...

Тўла таъбир қилмоқ муаммо:
Бўлди хурсанд,

Хафа чоғлари.

Унутмади Санамни!

Аммо —

Кўтарилди алам доғлари,
Кўтарилди Рустамжон дилин
Ўғир бўлиб туйган изтироб.
Кўтарилди муҳаббат қилин —
Узиб,

Чертмоқ истаган азоб!..

Овунтирди ҳарбий хизмати,
Овунтирди жанговар ҳаёт,
Ўйлашга ҳам бўлмай фурсати.
Ғам-ғуссаси бўлди унут, ёт.

Кўнглин ёзди сафдош,

Қуролдош —

Азиз дўстлар, командирлари;
Ва Қримнинг сўлим, серқуёш
Денгиз бўйи, чаман қирлари...

Кузда олди роса бир ой дам
Гўзал юрти Фарғонасида.
Суҳбат қурди дўстлар-ла Рустам
Шоҳимардон чойхонасида.
Пахтазорга чиқди субҳидам,
Кенг далалар оппоқ бўлган он.
Балки кўрди Санамхонни ҳам,
Ва лекин бу менга ноаён.

Кўрмагандир,
Билмадим яна,
Бир нарсаси аниқдир аммо:

Шўх Диана
Ғўзал Диана
Хаёлида бўлди доимо.
Шундай, азиз ўқувчим, ошнам,
Шундай, оддий ҳам сирли ҳаёт.
Фарғонадан поездда Рустам
Заставага қайтар бугун шод.

* * *

Поезд учар...
Тонг ҳам оқарар,
Дилрабодир айни субҳидам.
Деразадан тикилиб Рустам,
Янги кунга суқланиб қарар.
Янги кунки, саховатли кун,
Нафасидир илиқ, файзиёб.
Истараси нурли ва гулгун,
Осмонида чарақлар офтоб!..

1966

МУНДАРИЖА

Юрак тўлқинлари

Ниҳол	5
Жонажон партияга	6
Меҳр	7
Ўлкамда кезади баҳор нафаси	8
Қўлда	10
Хуморим бор	11
Қорақалпоқ раққосасига	12
Ўқитувчи	13
Севинч	15
Россия	16
Инсон қўли гул	18
Рус халқига офарин	19
Янги уйда	20
Хирмонга барака	22
«Правда»	23
Дугоналар	25
Дўстлик чироқлари	27
Булбул	28
Сирдарё соҳилида	29
Бахт	31
Меҳринг қўшиб тўқибсан	32
Офарин, Ватандош	34
Зиёратга келдим	35
Бастакорга	36
Боғи жаҳон	37
Тўртликлар	38
Тверь бульвари	40
Лермонтовга	41
Яна келдим	43
З... га	45
«Тонгдан оқшомгача...»	46
«Юрак...»	47

«Хафа кўринасан...»	48
«Оламга нур сочиб...»	49
«Қуёшга ошиқман...»	50
Сайёҳ булутлар	51
«Оқшом сурма тортиб...»	53
«Ҳаёт бўлмагандай...»	54
Менинг шаҳрим	55
Мирзачўлга келинг	57
*«Мени қийнаб келар...»	58
Бир гўзални кўрдим	59
«Тунни гўзал деймиз...»	60
Балиқ овида	61
Чинор	63
Баҳор симфонияси	64
«Оҳу қидирибми...»	66
«Харсанг тош думалаб...»	67
Хиёбон	68
*Соат	69
Сизни жаҳон олқишлар	70
Алёнушка	71
Гул келтирдим	73
Чўққи	75
«Гоҳи шодман...»	76
«Баъзида юракка...»	77
Шоир дўстимга	78
Согинаман сени Сирдарё	79
Йиллар ўзи олтин тарози	82
«Дўстлар бор...»	83
Шоир овулида	84
*Янги йил муборақ	86
Мавзолей ёнида	88
Номаълум солдат	90
*Овчилар	92

Қора денгиз илҳомлари

Денгиз парисига	94
Сабонинг дегани	95
Озодлик куйчисига	96
Оғармиш тоғи этагида	98
Бўрон қуши	99
Ўгит	101
Мовий тўлқинлар	102
Қрим гўзали	103
Кекса қарагай	105

Олтин соҳил	107
Қўмсаш	108
Ялта	110
Орзу	112

Жанговар йиллар

*Капитан ҳикояси	113
Москва бўсағасида	115
Қизил байроқ	116
Посбон	118
*Қайтиш	120
Оқ қайин	122

Ойпадан ўпкалама

Хўжа	124
Олма билан терак	126
Ҳалокат	127
*Ҳадик	129
*Ошнам йўқолди	130
*Ошнам	132

Достонлар

Най навоси	133
Капитан ўғли	140

Мавлян Икрам (Икрамов)

СКУЧАЮ ПО ТЕБЕ, СЫРДАРЬЯ

Стихи и поэмы

Редактор *М. Жалилов*
Рассом *Б. Жуков*
Расмлар редактори *А. Бобров*
Техн. редактор *Э. Саидов*
Корректор *Э. Турсунбоева*

ИБ № 1578

Босмахонага берилди 6.01.81. Босишга рухсат этилди 21.07.81.
Р 09021 Формат 70×90¹/₃₂. Босма қоғози № 1. Адабий га,
нитура. Юқори босма. Шартли босма л. 5,85. Нашр. л. 4,
Тиражи 10.000. Заказ № 157. Баҳоси 55 т.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700120.
Тошкент. Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси
ишлари Давлат комитетининг Тошкент «Матбуот» полиграфия
ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-босмахонаси. Янгийўл ш.,
Самарқанд кўчаси, 44.